БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 295 (19.371). ● 1985 йил 25 декабрь, чоршанба ● Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съезди шарафига

КИНО САНЪАТИНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумидан сўнг ҳамма соҳаларда бўлгани каби маданий ҳаётимизда ҳам сезиларли ўзгаришлар, ўсишлар содир бўлди. Маълумки, пленумда турмуш тарзимизга зид бўлган, тараққиётимизга тўсқинлик қилаётган кўзбўямачилик, порахўрлик, маҳаллийчилик каби иллатлар кескин қораланди. Соғлом ижодий муҳитга, янги ташаббусларга замин яратилди. Ҳаётимиз улуғвор воқеалар, шонли саналарга бой. КПСС Марказий Комитетининг Пленумлари, съездолди ҳужжатларида белгиланган улуғвор планларни халқимиз мамнунлик билан маъқулламоқда. Совет кишилари ўзларининг меҳнат ютуқларини, ижодий изланишларини КПССнинг яқинлашиб келаётган XXVII съезди шарафига бағишламоқдалар. Бу эса ҳар бир меҳнат кишисида сўз ва иш бирлиги, ташаббускорлик, масъулият ҳиссини, ўзига, ҳамкасб дўстига талабчанлик туйғусини оширяётгир.

КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси лойиҳасида меҳнаткашлар оммасининг маънавий ва моддий маданият бойликларини тўлароқ ва чуқурроқ ўзлаштиришга, уларни бадиий ижодкорликка активроқ жалб этишга катта эътибор берилади. «Адабиёт ва санъат халқ манфаатларига, коммунизм ишига хизмат қилиши, миллионлаб кишилар учун қувонч ва илҳом манбаи бўлиши, уларнинг иродаси, туйғуси ва ўй-фикрини ифодалаши, уларнинг ғоявий жиҳатдан баркамол бўлишига ва маънавий жиҳатдан тарбиялашга актив ёрдам бериши зарур», —дейилади Программа лойиҳасида.

Халқ ҳаёти билан алоқани мустаҳкамлаш, социалистик воқеликни ҳаққоний ва юксак бадиий акс эттириш, янги илғор нарсаларни жўшқинлик билан ёрқин очиб бериш ва жамиятнинг олға қараб ҳаракат қилишига ҳалақит бераётган барча иллатларни эҳтирос билан фош қилиш барча соҳалар каби кино санъати учун ҳам бош йўналишдир. Ана шу нуқтан назардан қараганда республика кинематографчилари ва аҳолига кино хизмати кўрсатиш ходимлари олдида муҳим вазифалар туради. Партия ва ҳукуматимиз қарорларини, айниқса, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми кўрсатмаларини бажаришда кино санъатининг роли беқиёс.

Кейинги йилларда кино ижодкорлари томонидан яратилган фильмларда мамлакатимизда юз берган муҳим, катта ўзгаришлар, Коммунистик партиянинг бунёдкор фаолияти, ленинча халқлар дўстлиги ғояларини амалга ошириш учун олиб борган кураши мавзулари маълум даражада ўз бадиий ифодасини топди. Янги инсон образи совет киноси усталарининг диққат марказида турди. Шуҳрат Аббосовнинг «Оловли йўллар» кўп серияли фильмини Бутуниттифоқ томошабинлари саммиянт билан кутиб олдилар. Фильмда оташин ўзбек шоири Ҳамзанинг ҳаёти ва курашлари воқелик билан, революцион ҳаракат билан, маданий жараён билан боғлиқ ҳолда ифода этилди. «Даҳонинг ёшлиги» фильми муаллифлари СССР Давлат мукофотига сазовор бўлдилар. Э. Эшмуҳамедовнинг «Алвидо, ғўр ёшлигим» фильми Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми талабларига ҳамоҳанг эканлиги билан ажралиб туради. М. Қаюмовнинг «Афғонистон: революция давом этади» ҳужжатли фильми, Л. Файзиевнинг «Севги афсонаси», Д. Салимовнинг «Ленинградликлар — жигарбандларим менинг», А. Қобуловнинг «Бўйсунмас», Н. Тўлахўжаевнинг «Майин ёмғир ёғади» картиналари халқлар дўстлиги, адолат тантанаси ва пок севги, инсонийлик мавзуларига бағишланди.

«Ўзбекфильм», илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар ҳамда «Ўзбектелефильм» студияларида яратилаётган барча фильмларни ҳам ғоявий-бадиий мукаммал деб бўлмайди. Республикада катта масштабдаги фильмлар, Бутуниттифоқ томошабилари оғзига тушадиган кинополотнолар кам. Студиялар КПСС Марказий Комитетининг «Кинофильмлар ғоявий-бадиий савиясини янада ошириш ва кинематографиянинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажаришда етарли қатъият кўрсатмаяпти. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қатъий қоралаган порахўрлик, ўғирлик, қўшиб ёзиш, маҳаллийчилик, ошнаоғайнигарчилик каби иллатларни таг-томири билан фош этиб ташлайдиган кўламдор фильмлар кам яратилаётир. Кино ишлаб чиқаришдаги тематик планларнинг бузилишига йўл қўйилмоқда.

Шуни ҳам айтиш керакки, ғоявий-бадиий жиҳатдан бўш, ўртамиёна ва саёз фильмларга киношунослар вақтида муносабат билдирмайдилар, камчиликларни рўй-рост кўрсатмайдилар.

Ўзбекистон ССР Кинематография давлат комитети сценарийлар яратиш ишининг ёмон экани, кино ишлаб чиқариш ишларида аниқ планнинг йўқлиги каби яроқсиз аҳвол билан муросa қилиб келаётир. Уни тузатиш чоралари кўрилмаётир. Сценарийлар папкасида республика Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми талаблари асосида асарларнинг йўқлиги кечириб бўлмас ҳолдир. Ана шу нуқтан назардан қараганда, киносценарийлар яратиш ишини бутунлай қайта қуриш тақозо этилади. Бу ишга ёзувчиларни жалб этиш, Иттифоқ миқёсидаги энг яхши тажрибаларни қўллаш зарур.

Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда, дабдабабозлик, сўз билан ишнинг бир эмаслиги каби иллатларни фош этишда ва шу каби ғоят аҳамиятли ишларни бажаришда ҳамма соҳадан кўра кинонинг имкониятлари катта.

Республикада улкан саноат, гидротехника иншоотлари қурилмоқда, қўриқ массивлар ўзлаштирилмоқда. Бу каби мислсиз ўзгаришларни, маданий ва маърифий юксалишларни бугунги кунда ҳар биримиз очиқ-ойдин кўриб турибмиз. Кинематографчиларимиз эса бу воқеаларга камдан-кам мурожаат этадилар.

Шаҳар кинотеатрларида ва қишлоқ жойларда ҳамон зўр бериб ғоявий саёз чет эл фильмларининг намойиш этилаётганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Бу — қандай қилиб бўлмасин, планни бажариш ва мўмай мукофотлар олиш ҳаракатида қилинаётир, албатта. Биргина Самарқанд шаҳридаги Навоий номли кинотеатр ойлик планининг 90 процентини хорижий фильмлар ташкил этади. Улкан ижтимоий аҳамиятга молик муаммолар, қўллаб-қувватлашга муносиб эзгу ишлар, кўламдор мавзулар турган бир пайтда қишлоқ меҳнаткашлари, айниқса, ёшлар онгини олди-қочди мавзудаги фильмлар билан ўтмаслаштиришни нима деб баҳоламоқ керак?!

Партиямиз санъат ва сўз усталаридан замондошларимизнинг гўзал, ёрқин образи, бунёдкорлик ишлари акс эттирилган баркамол асарлар яратишни талаб қилмоқда. Асримизнинг мураккаб ва долзарб вазифаларини ҳал этишга даъват этилган меҳнат дарғалари, оталар эстафетасини баланд кўтарган ҳолда вояга етаётган ёшлар ана шундай асарларни кутмоқда. Улар қишлоқ хўжалигида, экономикада, Ватан ҳимоясида фаоллик кўрсатаётган ўз тенгдошларининг меҳнати ва жасоратидан сўзлагувчи бадиий ленталар яратилишини исташади.

Ёшларимизга ғоявий-бадиий баркамол фильмларни тақдим этишгина эмас, уларни кино санъатига меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш ҳам зарур. Мактабларда, ҳунар-техника билим юртларида, ишчи ётоқхоналарида кинотеатрлар филиалларини ташкил этиш ва бу жамоатчилик ишига бевосита ёшларни жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

Кинотеатр фойеларида турли кўргазмалар, қизиқарли учрашувлар, баҳс ва мунозаралар уюштириш фойдадан холи эмас. Айниқса, қишлоқлардаги меҳнат аҳлига намуналли, маданий хизмат кўрсатиш ишини тубдан яхшилаш даркор. Бу ишда коммунистлар авангардлигини қўлга олсалар, яхши бўлар эди. Аҳолига кино хизмати кўрсатишда, кинопрокатлар репертуарида жиддий нуқсонлар кўзга ташланади. Жойларда киноустановкаларнинг бўш туриб қолиши, ҳисобда бўлмаган киноаппаратлардан ғайриқонуний фойдаланиш ҳоллари юз берaётир.

Тошкент шаҳри ҳамда йирик саноат марказларидаги кинотеатрларнинг репертуар плани ғоят паст даражада. Ўзбек ва қорақалпоқ тилига таржима қилинаётган фильмлар ҳам онда-сонда намойиш қилинаётир.

Назоратнинг сустлиги туфайли Тошкент, Навоий областлари қишлоқ жойларида кино тармоқларини ўстириш плани бажарилмай қолмоқда. Айрим дирекциялар эса ойлик планларини бажаришда қатъийлик кўрсатмаётир. Қашқадарё, Қорақалпоғистон АССР, Самарқанд, Сирдарё ва Жиззах областларида кино кўрсатиш хизмати яхши йўлга қўйилмаганлиги сабаби ойлик, йиллик планлар бажарилмаётир.

«Узбеккинодеталь» заводи иши ҳам яхши назорат қилинмайди. Завод ишлаб чиқараётган маҳсулотлар сифатсиз.

Кино соҳасидаги кадрларни танлаш, жойжойига қўйиш, уларнинг маҳоратини ошириш ва резервини ўстириш ишига алоҳида эътибор билан қараш талаб этилади.

Партия, совет, касаба союз ташкилотлари кино санъатини ва аҳолига кино хизмати кўрсатиш ишини тубдан яхшилаш, уни бугунги кун талаблари даражасига кўтаришда қатъият кўрсатишлари лозим. Кино ижодкорлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва ундан кейинги пленумлари қарорлари асосида ўз фаолиятларини жиддий таҳлилдан ўтказишлари, ўткир ҳаётий мавзуларни экранлаштириш хусусида ўйлашлари зарур.

«Ҳозирги вақтда ҳал этилаётган янги вазифалар ҳам социалистик ҳаёт ҳақиқатини қарор топтирувчи бадиий ижодда ўз муносиб ифодасини топишига шубҳа йўқ», деган эди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачёв КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленумида. Бу юксак ишончни оқлаш ижодкорларнинг — кино санъати ходимларининг ҳам жанговар бурчидир.

КРЕМЛДА УЧРАШУВ

23 декабрь куни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев қисқа визит билан Москвага келган ХКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг ва Секретариатининг аъзоси, ХХР Давлат кенгаши Бош министрининг ўринбосари Ли Пэнни қабул қилди.

Совет-Хитой муносабатларининг баъзи масалалари ҳамда иккала томонни қизиқтирувчи бошқа проблемалар юзасидан фикрлашиб олинди.

М. С. Горбачев совет томонининг Хитой Халқ Республикаси билан муносабатларни жиддий равишда яхшилашга астойдил интилаётганини тасдиқлади. Иккала социалистик мамлакатимизнинг яхши қўшничилиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ишида янада силжишга эришиш совет ва хитой халқларининг узоқ муддатли, туб манфаатларига, Осиёда ва бутун дунёда тинчлик ҳамда хавфсизлик манфаатларига мос бўлиб тушган бўлур эди.

Ли Пэн ҳитой томонининг икки томонлама муносабатларни нормаллаштириш жараёнига кўмаклашиш истагини билдирди, ХХРнинг халқаро тинчликни сақлашдан манфаатдорлигини таъкидлади.

(ТАСС).

БЕШ ЙИЛЛИККА— ЗАРБДОР ЯКУН!

МАЖБУРИЯТ ҲИСОБИГА

«Далварзин» ремонт-механика заводи ишчи-хизматчилари, инженер-техник ходимлари КПСС XXVII съезди шарафига социалистик мусобақани авж олдириб, катта меҳнат зафарларини қўлга киритмоқдалар. Саноатчилар маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича ўн биринчи беш йилликка мўлжалланган планларини муддатидан илгари ортиғи билан бажардилар. Планда белгиланган 16.214 минг сўмлик ўрнига 16.300 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. 15095 минг сўмлик тайёр маҳсулотлар реализация қилинди. Шунингдек, 21030 та двигатель капитал ремонт қилинди.

Заводда бу каби ютуқларга ишлаб чиқаришга янги технологияни кенг жорий этиш, меҳнатни ташкил этишнинг янги формаларидан фойдаланиш, интизомни мустаҳкамлаш туфайли эришилмоқда.

Корхона ишчилари беш йиллик планга қўшимча йил охиригача яна бир миллион 366 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиш мажбуриятларини қабул қилдилар. Шундай қилиб, улар КПСС XXVII съездини муносиб меҳнат тўёналари билан кутиб олишга бел боғлашди.

Т. УСМОНОВ,
Бекобод райони.

Қува районидаги Калинин номли колхоз деҳқонлари қишки дала ишлари суръатини тобора жадаллаштирмоқдалар. Бу ерда сифатли шудгор қилинган, ағ-тобда текисланган ва чел олинган майдонлар пешма-пеш яхоб сувига қондирилмоқда.

— Бугунгача 300 гектардан знёд майдонда шўр ювиш ишларини барвақт бажариб, келгуси йил мўл ҳосили учун замин яратиб қўйдик, — дейди хўжаликнинг 10-бригадаси сувчиси А. Йўлдошев. — Колхозимиз мироблари янги йил меҳнат вахтасига чиқиб, шўр босган карталарнинг барчасини яқин тўрт-беш кун ичида яхоб сувига тўйдиришга бел боғлаганлар.

Суратда: бригаданинг илғор сувчилари (чапдан) А. Йўлдошев, Р. Шокиров, Ш. Жалолов ўртоқлар.

Ш. АЛИМОВ фотоси (ЎзТАГ).

КПСС МОСКВА ШАҲАР КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

24 декабрь куни КПСС Москва шаҳар комитетининг пленуми бўлиб ўтди, унда ташкилий масала кўриб чиқилди.

Пленум В. В. Гришин пенсияга чиққанлиги муносабати билан уни КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари вазифасидан озод қилди.

КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Ельцин Москва шаҳар партия комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев иштирок этди. (ТАСС).

ҚАН СЕН САН МОСКВАГА КЕЛДИ

КМП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Корея Халқ Демократик Республикаси маъмурий кенгашининг бош министри Кан Сен Сан Совет ҳукуматининг таклифига биноан 24 декабрь куни расмий дўстлик визити билан Москвага келди.

Аэродромда уни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Г. А. Алиев, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ТАСС).

РАСМИЙ ВИЗИТ БИЛАН

Совет ҳукуматининг таклифига биноан РКП Марказий Комитетининг аъзоси, Руминия Социалистик Республикаси ташқи ишлар министри И. Вэдува 23 декабрь куни расмий дўстлик визити билан Москвага келди.

Аэродромда уни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

* * *

Шу куни Э. А. Шеварднадзе билан И. Вэдува ўртасида музокаралар бошланди.

(ТАСС).

УЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА СОЮЗЛАРИ РЕСПУБЛИКА СОВЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

МУСОБАҚА ИЛҒОРЛАРИГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети 1985 йилда пилла тайёрлаш планини бажаришда, унинг сифатини ошириш ва ҳар қути қурт уруғининг ҳосилдорлигини кўпайтиришда энг юксак кўрсаткичларга эришиш учун, хом ипак жуда кўп олинишини таъминлаш учун областлар, районлар ўртасида ўтказилган социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларда қолдирилди:

Андижон области, бу область давлатга 4771,8 тонна пилла сотган ва пилла тайёрлаш планини 109,7 процент бажарган, ҳар қути қурт бажарган, ҳар қути қурт уруғидан 74,1 килограмм пилла олган, бунинг 93,7 проценти сортли пилла бўлиб, қуруқ пилла ва ундан хом ипак чиқишининг юксак коэффициентини таъминлаган;

Фарғона области, бу область давлатга 5994,7 тонна пилла сотган ва пилла тайёрлаш планини 106,1 процент бажарган, ҳар қути қурт уруғидан 69,5 килограмм пилла олган, бунинг 89,6 проценти сортли пилла бўлиб, қуруқ пилла ва ундан хом ипак чиқишининг юксак коэффициентини таъминлаган;

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари ва дипломлари қуйидагиларга берилди:

Қорақалпоғистон АССРнинг Элликқалъа райони, байроқ Амударё районидан олиб берилади;

Жиззах областининг Фориш райони, байроқ Бахмал районидан олиб берилади;

Қашқадарё областининг Чироқчи райони, байроқ Ульянов районидан олиб берилади;

Навоий областининг Хатирчи райони, байроқ Навоий районидан олиб берилади;

Наманган областининг Наманган райони, байроқ Уйчи районидан олиб берилади;

Сурхондарё областининг Ангор райони, байроқ Шўрчи районидан олиб берилади;

Тошкент областининг Чиноз райони, байроқ Тошкент районидан олиб берилади;

Фарғона областининг Тошлоқ райони, байроқ Ўзбекистон районидан олиб берилади;

Хоразм областининг Шовот райони, байроқ Гурлан районидан олиб берилади;

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларда қолдиришга қарор қилинди:

Самарқанд областининг Каттақўрғон райони,

Сирдарё областининг Гулистон райони,

Андижон областининг Қўрғонтепа райони,

Бухоро областининг Бухоро райони.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари ва дипломлари қуйидагиларга берилди:

Қорақалпоғистон АССРнинг Элликқалъа райони, байроқ Амударё районидан олиб берилади;

Жиззах областининг Фориш райони, байроқ Бахмал районидан олиб берилади;

Қашқадарё областининг Чироқчи райони, байроқ Ульянов районидан олиб берилади;

Навоий областининг Хатирчи райони, байроқ Навоий районидан олиб берилади;

Наманган областининг Наманган райони, байроқ Уйчи районидан олиб берилади;

Сурхондарё областининг Ангор райони, байроқ Шўрчи районидан олиб берилади;

Тошкент областининг Чиноз райони, байроқ Тошкент районидан олиб берилади;

Фарғона областининг Тошлоқ райони, байроқ Ўзбекистон районидан олиб берилади;

Хоразм областининг Шовот райони, байроқ Гурлан районидан олиб берилади;

Байроқ Сурхондарё областидан олиб берилади.

Қорақалпоғистон АССР, Сурхондарё, Самарқанд ва Жиззах областлари пилла-корларининг яхши ишлари қайд этиб ўтилди.

«ҚИЗИЛЧА» ОДИМЛАРИ

70-йилларнинг ўрталари эди. Қорақўл қўйларидан қўзи олиш мувозанати бузилди. Чўпонлар орасида «ким ўзди?» мусобақаси авж олиб кетди. Баъзи бир чўпонлар аввалига ҳар юз бош совлиқдан 140—150 тадан қўзи ола бошлашди. Кейин бу рақам 170—180 тага ошди. Бора-бора 200 га етди. 1974 йил баҳорда ҳар юз бош совлиқдан 254 та қўзи «олганлар» ҳам бўлди. Улар катта-катта йиғилишларда минбарга чиқиб, «билагида кучи, юрагида ўти бор» кишиларни беллашувга чорлайдиган «одат» чиқаришди.

Лекин чорвани, унинг келажагини ўйлаган чорвадорлар юрак ҳовучлаб қолишди: «буёғи нима бўлади?

Наҳотки, тараққиёт дегани шу бўлса?»

Йиғилишларда сўзга чиқиб, бу жуда қалтис «тараққиёт» эканлигини, СЖК зардобидан фойдаланишни меъёрга солиш ёки ундан бутунлай воз кечиш тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Бироқ баъзи маҳаллий раҳбарлар уларни маъқуллаш ўрнига «кучингиз етмаса мажбур қилаётганимиз йўқ», деб киноя қилишди.

Хўш, оқибат нимага олиб келди? Олинган қўзилар майдалашиб кетди. Илгари ҳар бири 40—50 сўмдан баҳоланган қоракўл терилар нархи (стандарт талабларига жавоб бермаганлиги учун) 16—20 сўмга тушди. Давлатга тирик вазнда топширилаётган қўйлар 20—30 килограммдан ошмай қолди.

Қачонки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида республикада пахтачиликдаги сингари чорвачилик маҳсулотлари етиштириш соҳасида ҳам кўзбўямачилик, қўшиб ёзишлар мавжудлиги қаттиқ қоралангандан сўнг аҳвол ўнглана бошлади. Бу орада чорвачиликда СЖК препаратини ишлатмаслик тўғрисида ҳукумат кўрсатмаси ҳам чиқди. Шундан сўнг хўжаликларнинг жорий планларига ўзгартиришлар киритилди.

— Чиндан ҳам, — дейди Нурота районидаги «Қизилча» совхози директори М. Нурбоев. — Ўшанда айрим чўпонлар план кетидан қувиб, сифатни унутиб қўйишди. Лекин партия ва ҳукуматимиз қараб турмади. Чорвачиликдаги нохуш ҳолларни тезда тугатиш чора-тадбирларини кўришди.

Биргина бизнинг совхозда кейинги икки йил ичида анча яхши ишлар амалга оширилди. Олинган мажбуриятларнинг муттасил бажарилиши таъминланди. Маҳсулот сифати ортди. Масалан, илгари чўпонларнинг ҳар юз бош совлиқдан олган қўзиси сонига қараб мукофот берилади. Ўтган йили эса қўйларга СЖК препарати ишлатилмагани учун қўзи олиш «пойга»си тартибга тушди. Шунда кўпчилик «энди мукофот қай йўсинда тўланади» деб сўрай бошладилар.

Бизнинг жавобимиз қисқа ва лўнда бўлди: ҳозир пахтачиликда етиштирилган пахтага тола чиқиш даражасига қараб ҳақ тўланади. Чорвачиликда ҳам шундай бўлади. Масалан, ҳар бир килограмм жундан ўртача 920 грамм тола чиқиши керак. Агар бу кўрсаткич паст бўлса, демак мукофот йўқ!

Хўжалигимизда бу йилги кузги жун қирқимида ҳар килограмм жундан 920 грамм тола олишга эришдик. Оқибатда 5 тонна жун соф фойдага ҳисобланди. Баҳорги жун қирқимида ҳам шу тартибга асосланамиз. Маҳсулот салмоғи билан бирга сифатини ҳам алоҳида эътиборда тутамиз...

Ишга ва бурчга бўлган ана шундай ижодий ёндашувлар хўжалик ишлаб чиқаришига муттасил муваффақият келтирмоқда. Совхоз сўнгги 13 йил ичида беш марта КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи ва Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди. Республикада рентабелли давлат наслчилик заводларидан бирига айланди. Ўн биринчи беш йиллик план топшириқлари тўрт йилу беш ойда ортиғи билан адо этилди. Давлатга 2370 тонна гўшт, 706,7 тонна жун топширилди. Қоракўл тери етиштириш пландаги 106120 та ўрнига 126271 тага ошди. Моллар туёқ сони 284367 бошга етди ёки плондагидан 15767 бошга кўпайди. Беш йилликда қўзилаган 165 минг 326 бош совлиқнинг ҳар юз бошидан ўртача 143 тадан қўзи, ҳар бош қўйдан 2,8 ўрнига 3 килограммдан жун қирқиб олинди. Пировардида 3691,1 минг сўм соф даромад олинди.

Эришаётган муваффақиятларда хўжаликнинг Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Ф. Қўнисов, С. Ўсаров, М. Ялғашев, Р. Меҳрқулов, Т. Ўнғаров, С. Сиддиқов сингари донгдор чўпонларининг ҳиссаси катта, албатта.

Қизилчалик чорвадорлар КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди шарафига оширилган мажбуриятлар қабул қилиб, 1985—1986 йил қиш фаслида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни ҳамда давлатга сотишни янада кўпайтириш учун социалистик мусобақани авж олдирмоқдалар. Улар ўн иккинчи беш йиллик Асосий йўналишлари лойиҳасида агросаноат комплекси олдига қўйилган вазифаларни дастуруламал билиб, гўшт, сут, қоракўл тери, тухум ва бошқа маҳсулотлар етиштириш ҳамда харид қилишни ўстиришни таъминлаш юзасидан конкрет режалар белгиламоқдалар.

Ютуқлар салмоқли. Қилинган ишлар кўламдор. Бу эса жўжалик меҳнат аҳли турмуш маданиятининг юксалишига ҳам ижобий таъсир кўрсатаётир. Ўтган беш йилликда 270 ўринли болалар боғчаси, чўпонларнинг ўғил-қизлари учун мактаблар ҳузурида 170 ўринли ётоқхона, 150 ўринли ошхона, ўқитувчилар учун 40 та уй-жой фойдаланишга топширилди. Аҳоли пунктларида 182 километр узунликда водопровод линияси қурилди. Натижада 35 минг бош қўй-қўзини чучук сув билан таъминлаш имкони туғилди. Шу кунларда совхоз марказини етарли сув билан таъминлаш мақсадида Адиз-обод-Қизилча ўртасидаги 45 километр узунликда янги водопровод линияси қурилиши ниҳоясига етказилмоқда.

Ш. НУРБОЕВ,
М. МАРДИЕВ,
М. РАҲМАТОВ.
Навоий области.

ЧОРВАЧИЛИК—ЗАРБДОР ФРОНТ

РЕСПУБЛИКА БИЛАН ТАНИШУВ

Танзания Бирлашган Республикаси Революцион партияси (Чама ча мапиндузи—ЧЧМ) Марказий Комитети (Сиёсий бюроси)нинг, Миллий ижроия комитети Секретариатининг аъзоси, ЧЧМ қарорғоҳи ташкилий бўлимининг мудири Мозес Ннауйе бошчилигидаги шу партия делегацияси Ўзбекистон ҳаёти билан танишиб бўлди. 24 декабрь куни меҳмонлар В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида бўлдилар, республика пойтахтининг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар, Оржоникидзе район партия комитетига ва «Қизил Ўзбекистон» колхозига бордилар.

Шу куни делегация Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида қабул қилинди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун Ўзбекистон Компартияси Ғузор район комитетининг бўлим мудири ўртоқ Маҳмуд Комилович Одиловни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиги билан мукофотлади.

ЎЗБЕКИСТОН ССРнинг МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИ

13-БОБ
САВДО ВА МОЛИЯ СОҲАСИДАГИ МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК

166-м о д д а. **Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ходимларининг савдо қоидаларини бузиши**

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ходимларининг савдо қоидаларини бузиши —

ўттиз сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

167-м о д д а. **Спиртли ичимликлар билан савдо қилиш қоидаларини бузиш**

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ходимларининг арақ ва бошқа спиртли ичимликлар билан савдо қилиш қоидаларини бузиши —

эллик сўмдан юз сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

168-м о д д а. **Силлиқ стволли ўқотар ов милтиғини сотиш тартибини бузиш**

Савдо корхоналари (ташкилотлари) ходимларининг ички ишлар органлари берган рухсатномалари бўлмаган гражданлар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга силлиқ стволли ўқотар ов милтиғини сотиши —

ўн сўмдан эллик сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

Ўша ҳаракатлар шундай ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазога тортилган шахс томонидан бир йил мобайнида яна такрор содир этилса —

ўттиз сўмдан юз сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

169-модда. **Колхоз бозорларида савдо қилиш қоидаларини бузиш**

Колхоз бозорларида савдо қилиш қоидаларини бузиш —

гражданларни огоҳлантиришга ёки уларга ўн сўмгача миқдорда ва мансабдор шахсларни огоҳлантиришга ёки уларга эллик сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

170-модда. **Белгилаб қўйилмаган жойларда қўлда савдо қилиш**

Шаҳар кўчаларида, майдонларда, ҳовлиларда, подъездларда, хиёбонларда ва белгилаб қўйилмаган бошқа жойларда қўлда савдо қилиш —

айбдорларни огоҳлантиришга ёки уларга ўн сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

171-м о д д а. **Майда чайқовчилик**

Майда чайқовчилик, яъни текин даромад топиш мақсадида кўп бўлмаган миқдорда арақ ва бошқа спиртли ичимликларни, шунингдек халқ истеъмол қиладиган моллар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, касса ва товар чеклари ҳамда талонларини, томошахоналар ва бошқа корхоналарга кириш билетларини, китобларни, ноталар, грампластинкалар, магнитофон ва видеофон кассеталари ва бошқа қимматли нарсаларни сотиб олиш ва қайта сотиш, башарти текин даромад миқдори ўттиз сўмдан ортиқ бўлмаса —

чайқов буюмлари мусодара қилиниб, эллик сўмдан юз сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

172-м о д д а. **Чорва моллар ва паррандаларга едириш учун давлат ёки кооператив магазиналаридан нон ва бошқа ғалла маҳсулотлари сотиб олиш**

Чорва моллар ва паррандаларга едириш учун давлат ёки кооператив магазиналаридан ёпилган нон, ун, ёрма ва бошқа ғалла маҳсулотлари сотиб олиш, шунингдек чорва моллар ва паррандаларни магазиндан сотиб олинган нон, ун, ёрма ва бошқа ғалла маҳсулотлари билан боқиш —

ўн сўмдан эллик сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

173-м о д д а. **Чет эл валютаси ва тўлов ҳужжатларидан қонунсиз фойдаланиш**

Чет эл валюталарини, чет эл валютасида ифодаланган тўлов ҳужжатларини ёки сўмда ифодаланиб, чет эл валютасига сотиб олинган ва яна шундай валютага алмаштириб олиш ҳуқуқини берадиган банк тўлов ҳужжатларини кўп бўлмаган миқдорда қонунсиз равишда сотиб олиш, сотиш, алмаштириш ёхуд улардан тўлов воситаси сифатида фойдаланиш, жумладан шу қимматли қоғозлар билан чайқовчилик қилиш, башарти бундай ғайриқонуний операциялар предметининг қиймати йигирма сўмдан ошмаса —

валюта ва тўлов ҳужжатлари мусодара қилиниб эллик сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

Сўмда ифодаланиб, чет эл валютасига сотиб олинган, лекин яна шундай валютага алмаштириб олиш ҳуқуқини бермайдиган тўлов ҳужжатларини ғайриқонуний равишда сотиш, агарда бундай ножўя ҳаракатда чайқовчилик аломатлари бўлмаса —

тўлов ҳужжатлари мусодара қилиниб, эллик сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

174-м о д д а. **Бензин ва бошқа ёнилғи-мойлаш материалларини ғайриқонуний равишда бериш ёки сотиб олиш**

Давлат ёки жамоат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига қарашли бензинни ва бошқа ёнилғи-мойлаш материалларини ғайриқонуний равишда бериш ёки сотиб олиш, агарда бундай ножўя ҳаракатларда ўғирлик аломатлари бўлмаса —

йигирма сўмдан юз сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

175-м о д д а. **Кустар-ҳунармандлик касби билан шуғулланиш тартибини бузиш**

Гражданларнинг қайд гувоҳномаси бўлмай туриб (қайд гувоҳномаси олишдан белгиланган тартибда озод қилинган шахслар бундан мустасно) кустар-ҳунармандлик касби билан шуғулланиши ёки қайд гувоҳномасида кўрсатилмаган касбкорлик билан шуғулланиши ёхуд касбкорлик билан қайд гувоҳномасида кўрсатилганидан бошқа аҳоли пунктларида шуғулланиши, шунингдек рухсат этилган аҳоли пункти ёки территориядан ташқарида касбкорлик қилиши ва тайёрланган буюмларини сотиши ёхуд кустар-ҳунармандлик касби билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи қайд гувоҳномасини бошқа шахсга бериши —

тайёрланган маҳсулот мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай, эллик сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

176-м о д д а. **Тақиқланган касб билан шуғулланиш**

Махсус равишда тақиқлаб қўйилган касб билан шуғулланиш —

тайёрланган маҳсулот, ишлаб чиқариш қуроли ва хом ашё мусодара қилиниб, огоҳлантиришга ёки эллик сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

14-БОБ
ЖАМОАТ ТАРТИБИГА ТАЖОВУЗ ҚИЛУВЧИ МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК

177-м о д д а. **Майда хулиганлик**

Майда хулиганлик, яъни жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўкиниш, гражданларга ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартибини ва гражданларнинг осойишталигини бузувчи шу каби бошқа хил хатти-ҳаракатлар қилиш —

ўн сўмдан эллик сўмгача миқдорда штраф солишга ёки иш ҳақининг йигирма процентини ушлаб қолиш шарти билан бир ойдан икки ойгача муддатга ахлоқ тузатиш иши беришга, агар ишнинг ҳолатига кўра, ҳуқуқбузарнинг шахси ҳисобга олиниб, бу чораларнинг қўлланилиши етарли эмас деб топилса —

ўн беш суткагача маъмурий қамоқ жазосига сабаб бўлади.

178-м о д д а. **Ўқотар қуроллардан аҳоли пунктларида ва махсус ажратиб қўйилмаган жойларда ёхуд белгиланган тартибни бузган ҳолда отиш**

Ўқотар қуроллардан аҳоли яшовчи пунктларда ва буининг учун махсус ажратиб қўйилмаган жойларда, шунингдек махсус жой ажратиб қўйилган бўлса-да, белгиланган тартибни бузган ҳолда отиш —

қуролни ва ўқ-дориларни мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, йигирма сўмдан эллик сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

179-м о д д а. **Уткир спиртли хонаки ичимликларни сотиб олиш**

Уйда тайёрланган самогон, чача, арақлар, тут арағи, хонаки пиво (бўза) ва бошқа ўткир спиртли ичимликларни сотиб олиш —

ўттиз сўмдан юз сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

180-м о д д а. **Жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичиш ёки маст ҳолда юриш**

Кўчаларда, стадионларда, хиёбонларда, паркларда, барча турдаги жамоат транспортида ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Советининг ижроия комитети томонидан спиртли ичимликларни қўйиб сотишга рухсат этилган савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан бошқа жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичиш ёки жамоат жойларида инсон қадр-қимматини ва ижтимоий ахлоқни таҳқирлаб, маст ҳолда юриш —

огоҳлантиришга ёки йигирма сўмдан ўттиз сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

Шундай хатти-ҳаракатлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил мобайнида яна қайта такрорланса —

ўттиз сўмдан эллик сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

Сўмда ифодаланиб, чет эл валютасига сотиб олинган, лекин яна шундай валютага алмаштириб олиш ҳуқуқини бермайдиган тўлов ҳужжатларини ғайриқонуний равишда сотиш, агарда бундай ножўя ҳаракатда чайқовчилик аломатлари бўлмаса —

тўлов ҳужжатлари мусодара қилиниб, эллик сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

174-м о д д а. **Бензин ва бошқа ёнилғи-мойлаш материалларини ғайриқонуний равишда бериш ёки сотиб олиш**

Давлат ёки жамоат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига қарашли бензинни ва бошқа ёнилғи-мойлаш материалларини ғайриқонуний равишда бериш ёки сотиб олиш, агарда бундай ножўя ҳаракатларда ўғирлик аломатлари бўлмаса —

йигирма сўмдан юз сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

175-м о д д а. **Кустар-ҳунармандлик касби билан шуғулланиш тартибини бузиш**

Гражданларнинг қайд гувоҳномаси бўлмай туриб (қайд гувоҳномаси олишдан белгиланган тартибда озод қилинган шахслар бундан мустасно) кустар-ҳунармандлик касби билан шуғулланиши ёки қайд гувоҳномасида кўрсатилмаган касбкорлик билан шуғулланиши ёхуд касбкорлик билан қайд гувоҳномасида кўрсатилганидан бошқа аҳоли пунктларида шуғулланиши, шунингдек рухсат этилган аҳоли пункти ёки территориядан ташқарида касбкорлик қилиши ва тайёрланган буюмларини сотиши ёхуд кустар-ҳунармандлик касби билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи қайд гувоҳномасини бошқа шахсга бериши —

тайёрланган маҳсулот мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай, эллик сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

176-м о д д а. **Тақиқланган касб билан шуғулланиш**

Махсус равишда тақиқлаб қўйилган касб билан шуғулланиш —

тайёрланган маҳсулот, ишлаб чиқариш қуроли ва хом ашё мусодара қилиниб, огоҳлантиришга ёки эллик сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

177-м о д д а. **Майда хулиганлик**

Майда хулиганлик, яъни жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўкиниш, гражданларга ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартибини ва гражданларнинг осойишталигини бузувчи шу каби бошқа хил хатти-ҳаракатлар қилиш —

ўн сўмдан эллик сўмгача миқдорда штраф солишга ёки иш ҳақининг йигирма процентини ушлаб қолиш шарти билан бир ойдан икки ойгача муддатга ахлоқ тузатиш иши беришга, агар ишнинг ҳолатига кўра, ҳуқуқбузарнинг шахси ҳисобга олиниб, бу чораларнинг қўлланилиши етарли эмас деб топилса —

ўн беш суткагача маъмурий қамоқ жазосига сабаб бўлади.

178-м о д д а. **Ўқотар қуроллардан аҳоли пунктларида ва махсус ажратиб қўйилмаган жойларда ёхуд белгиланган тартибни бузган ҳолда отиш**

Ўқотар қуроллардан аҳоли яшовчи пунктларда ва буининг учун махсус ажратиб қўйилмаган жойларда, шунингдек махсус жой ажратиб қўйилган бўлса-да, белгиланган тартибни бузган ҳолда отиш —

қуролни ва ўқ-дориларни мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, йигирма сўмдан эллик сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

179-м о д д а. **Уткир спиртли хонаки ичимликларни сотиб олиш**

Уйда тайёрланган самогон, чача, арақлар, тут арағи, хонаки пиво (бўза) ва бошқа ўткир спиртли ичимликларни сотиб олиш —

ўттиз сўмдан юз сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

180-м о д д а. **Жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичиш ёки маст ҳолда юриш**

Кўчаларда, стадионларда, хиёбонларда, паркларда, барча турдаги жамоат транспортида ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Советининг ижроия комитети томонидан спиртли ичимликларни қўйиб сотишга рухсат этилган савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан бошқа жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичиш ёки жамоат жойларида инсон қадр-қимматини ва ижтимоий ахлоқни таҳқирлаб, маст ҳолда юриш —

огоҳлантиришга ёки йигирма сўмдан ўттиз сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

Шундай хатти-ҳаракатлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил мобайнида яна қайта такрорланса —

гражданларга йигирма сўмгача ва мансабдор шахсларга эллик сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

15-БОБ
БОШҚАРУВ СОҲАСИДА БЕЛГИЛАБ ҚЎЙИЛГАН ТАРТИБГА ТАЖОВУЗ ҚИЛИШДАН ИБОРАТ МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР

187-м о д д а. **Милиция ходими ёки халқ дружиначисининг қонуний фармойиши ёки талабига қасддан бўйсунмаслик**

Милиция ходими ёки халқ дружиначиси жамоат тартибини сақлаш юзасидан ўз вазифаларини бажараётганида уларнинг қонуний фармойиши ёки талабига қасддан бўйсунмаслик —

ўн сўмдан эллик сўмгача миқдорда штраф солишга ёки ҳуқуқбузарнинг иш ҳақидан йигирма процентини ушлаб қолиш шарти билан бир ойдан икки ойгача муддатга ахлоқ тузатиш иши беришга сабаб бўлади, агарда ишнинг ҳолатларига қараб ва ҳуқуқбузарнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда бундай чоралар қўлланиш етарли эмас деб топилса — ўн беш суткагача маъмурий тартибда қамоққа олишга сабаб бўлади.

188-м о д д а. **Ўзбошимчалик қилиш**

Ўзбошимчалик қилиш, яъни қонун билан белгилаб қўйилган тартибни бузган ҳолда ўзининг ҳақиқий ёки тахмин қилинган ҳуқуқини ўз билгича амалга ошириш, агарда бу ҳол гражданларга ёхуд давлат ёки жамоат ташкилотларига жиддий зарар етказмаса —

гражданларни огоҳлантиришга ёки уларга ўттиз сўмгача миқдорда ва мансабдор шахсларни огоҳлантиришга ёки уларга эллик сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

189-м о д д а. **Маъмурий назорат қоидаларини бузиш**

Устидан назорат ўрнатилган шахсларнинг маъмурий назорат қоидаларини бузиши —

ўн сўмдан эллик сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

190-м о д д а. **Давлат мукофотларига нисбатан ғайриқонуний ҳаракатлар қилиш**

Тақиб юриш ҳуқуқига эга бўлмаган шахснинг орден, медаль, СССР фахрий унвонининг кўракка тақиладиган белгиси ёки орден ленталари ва медалларнинг планкаларга қадалган ленталарини тақиб юриши, шунингдек орден, медаль, СССР фахрий унвонининг кўракка тақиладиган белгисини ғайриқонуний равишда сақлаш —

огоҳлантиришга ёки юз сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон ССР ёки Қорақалпоғистон АССР фахрий унвонининг кўракка тақиладиган белгисини сотиб олиш, сотиш, айирбошлаш ёки бировга бошқача тарзда ҳақ эвазига топшириш, шунингдек тегишли ҳуқуқи бўлмаган шахснинг Ўзбекистон ССР ёки Қорақалпоғистон АССР фахрий унвонининг кўракка тақиладиган белгисини тақиб юриши ёхуд уни ғайриқонуний равишда сақлаш —

огоҳлантиришга ёки эллик сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

191-м о д д а. **Ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаларида, тарбия-меҳнат ва даволаш-меҳнат профилакторийларида сақланаётган шахсларга тақиқланган буюмларни ғайриқонуний равишда топшириш**

Ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаларида, тарбия-меҳнат ва даволаш-меҳнат профилакторийларида сақланаётган шахсларга алкоголли ичимликларни, кайф қилдиридиган доривор ва бошқа моддаларни, шунингдек топшириш тақиқланган бошқа хил буюмларни кўрикдан ўтказишдан яшириб ғайриқонуний равишда топшириш ёки бошқа ҳар қандай йўл билан топширишга уриниш —

тақиқланган буюмлар мусодара қилиниб, огоҳлантиришга ёки ўн сўмдан эллик сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

192-м о д д а. **Енгинга қарши кураш қоидаларини бузиш ёки уларни бажармаслик**

Корхоналар, муассасаларда, ташкилотларда, колхозларда, жамоат жойларида, омборхона бинолари, ётоқхоналар ва турар-жойларда, шунингдек тегишли объектларни лойиҳалаштириш ва қуриш чоғида ёнғинга қарши кураш қоидаларини бузиш ёки бажармаслик ёхуд ёнғинга қарши кураш олиб бориладиган инвентарлар, ускуналар, ёнғинни аниқлаш ва ўчиришнинг автомат воситаларидан фойдаланиш ва уларни сақлаш қоидаларини бузиш —

гражданларга ўн сўмгача ва мансабдор шахсларга эллик сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

193-м о д д а. **Маҳсулотлар стандарти ва сифати қоидаларини, муомалага ўлчов воситалари чиқариш ва уларни сақлаш ҳамда бу воситалардан фойдаланиш қоидаларини бузиш**

Маҳсулотлар стандарти ва сифати қоидаларини, муомалага ўлчов воситалари чиқариш ва уларни сақлаш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини бузиш, яъни:

1) стандартлар, техника шартлари ва сифати, комплектлилиги ва упаковкаси бўйича белгиланган намуналар (эталонлар) талабига тўғри келмайдиган (СССР қонунларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно) маҳсулотларни чиқариш (шу жумладан уларни ремонтдан чиқариш) ёки етказиб бериш (реализация қилиш);

2) стандартлар, техника шартлари ва сифати, комплектлилиги ҳамда упаковкаси бўйича белгиланган намуналар (эталонлар) талабига мос келмайдиган маҳсулотларни чакана савдо корхоналарида (ташкилотларида) сотиш учун чиқариш;

3) маҳсулот сифати бўйича стандартлар ва техника шартлари талабларига ёки технология жараёнлари юзасидан белгиланган стандартлар талабларига мос келмайдиган конструкторлик, технология ва лойиҳа ҳужжатларини буюртмачига ёхуд ишлаб чиқаришга топшириш;

4) маҳсулотларни ташиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш пайтида стандартлар ва техника шартларига риоя қилмаслик, башарти бу ҳол маҳсулот сифати пасайишига, маҳсулотнинг бузилишига ёки нормативдан ортиқча нобуд бўлишига олиб келса;

5) давлат синовидан ёки метрология аттестациясидан ўтмаган, шунингдек текшириб кўрилмаган ўлчов воситаларини муомалага чиқариш;

6) белгиланган тартибда тегишли рухсатнома олмаган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан ўлчов воситаларини тайёрлаш, ремонт қилиш ва текширувдан ўтказиш, шунингдек текширувдан ўтказиш усуллари ва қоидаларини бузиш;

7) ўлчов воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш — мансабдор шахсларни огоҳлантиришга ёки уларга юз сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

194-м о д д а. **Полиграфия ва штемпель-граверлик корхоналари очиш, кўпайтириш техникасини сотиб олиш, сотиш, ундан фойдаланиш, уни рўйхатга олиш ва сақлаш қоидаларини бузиш**

Мансабдор шахсларнинг полиграфия ва штемпель-граверлик корхоналари очиш, полиграфия ускуналарини, кўпайтириш аппаратлари, ҳарфлар ва матрицаларни сотиб олиш ва сотиш қоидаларини бузиши —

юз сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

Полиграфия ускуналаридан, кўпайтириш аппаратларидан, ҳарфлар ва матрицалардан фойдаланиш, уларни рўйхатга олиш ва сақлаш қоидаларига риоя этиш учун масъул бўлган шахслар томонидан бу қоидаларнинг бузилиши —

эллик сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

195-м о д д а. **Гражданлар томонидан текис стволли ўқотар ов қуролларини сотиб олиш, сақлаш, бировга топшириш ёки сотиш тартибининг бузилиши**

Гражданлар томонидан ички ишлар органлари рухсати бўлмай туриб текис стволли ўқотар ов қуролларини сотиб олиш, сақлаш, бошқа шахсларга топшириш ёки сотиш —

шу қуроллар мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай, ўн сўмдан ўттиз сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўзда тутилган ножўя ҳаракатлардан бирини содир қилганлиги учун маъмурий жазога тортилган шахс томонидан бир йил мобайнида яна шундай хатти-ҳаракатлар қилиниши —

ов қуроллари мусодара қилиниб, йигирма сўмдан эллик сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

196-м о д д а. **Ўқотар қуроллар ва ўқ-дориларни сақлаш ёки ташиш қоидаларини бузиш**

Текис стволли ўқотар ов қуроллари ва кесма стволли қуролларни ҳамда ўқ-дориларни сақлаш учун ички ишлар органлари рухсатномасига эга бўлган гражданлар томонидан шундай қуроллар ва ўқ-дориларни сақлаш ёки ташиш қоидаларининг бузилиши —

огоҳлантиришга ёки беш сўмдан йигирма сўмгача миқдорда штраф солишга ёхуд шу қуроллар ва ўқ-дориларни ҳақини тўлаб олиб қўйишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўзда тутилган ножўя ҳаракатлардан бирини содир қилганлиги учун маъмурий жазога тортилган шахс томонидан бир йил мобайнида яна шундай хатти-ҳаракатлар қилиниши —

ов қуроллари ва ўқ-дориларни мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай ўн сўмдан ўттиз сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

Ўқотар қуроллар ва ўқ-дориларни уларни сақлаш учун масъул бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ходимлари томонидан сақлаш ёки ташиш қоидалари бузилиши, шунингдек улар томонидан ўқотар қуроллар ва ўқ-дорилар ноўрин ишлатилиши —

эллик сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг учинчи қисмида кўзда тутилган ножўя ҳаракатлардан бирини содир қилганлиги учун маъмурий жазога тортилган шахснинг бир йил мобайнида яна шундай хатти-ҳаракатлар қилиши —

ўттиз сўмдан юз сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

197-м о д д а. **Ўқотар қуролларни рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхат қилдириш) муддатларини ёки уларни учетга қўйиш қоидаларини бузиш**

Гражданлар томонидан истиқомат жойи ўзгарган тақдирда ўқотар қуролларни рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхат қилдириш) юзасидан белгиланган муддатларнинг ёки ички ишлар органларида бу қуролларни учетга олдириб қўйиш қоидаларининг бузилиши —

огоҳлантиришга ёки беш сўмдан йигирма сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

198-м о д д а. **Текис стволли ўқотар ов қуроллари ва ўқ-дориларни сотишдан бўйин товлаш**

Текис стволли ўқотар ов қуроллари ва ўқ-дорилари бор гражданларнинг, улар овчилар жамиятларидан чиқиб кетганликлари муносабати билан ички ишлар органлари сақлаш рухсатини бекор қилган бўлишига қарамай, шундай қуроллар ва ўқ-дориларни сотишдан бўйин товлаши —

бу қуроллар ва ўқ-дориларнинг ҳақини тўлаб олиб қўйиш шарти билан беш сўмдан йигирма сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

199-м о д д а. **Гражданларнинг мўйнали гўштхўр ҳайвонларни сақлаши**

Гражданларнинг тулки, шимол тулкиси, норка ва бошқа мўйнали гўштхўр ҳайвонларни сақлаши, шунингдек мазкур ҳайвонлар териларини сотиши, сотиб олиши ёки алмаштириши —

мазкур ҳайвонларни ва уларнинг териларини мусодара қилиб, йигирма сўмдан эллик сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

200-м о д д а. **Каратэга ўргатиш қоидаларини бузиш**

Спорт каратэси секцияларини очиш ёки уларга гражданларни қабул қилиш юзасидан белгиланган қоидаларни бузиш ёхуд мазкур секцияларда спорт қоидалари билан тақиқлаб қўйилган усулларда таълим бериш, шунингдек тегишли органларнинг рухсатисиз ўзбошимчалик билан каратэ усулларини ўргатиш —

эллик сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

201-м о д д а. **Паспортсиз ёки прописксасиз яшаш**

Паспорти бўлиши мажбур гражданларнинг паспортсиз ёки ҳақиқий бўлмаган паспорт билан яшаши, шунингдек уларнинг прописксасиз ёки рўйхатдан ўтмай яшаши —

огоҳлантиришга ёки ўн сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

202-м о д д а. **Паспортни қасддан яроқсизлантириш ёки уни эҳтиётсизлик орқасида йўқотиш**

Паспортни қасддан яроқсизлантириш, шунингдек паспортни эҳтиётсизлик билан сақлаш натижасида йўқотиш —

огоҳлантиришга ёки ўн сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

203-м о д д а. **Паспортсиз ёки прописксасиз яшашга йўл қўйиш**

Паспорт системаси қоидаларига риоя этиш учун масъул бўлган шахслар томонидан гражданларнинг паспортсиз ёки ҳақиқий бўлмаган паспорт билан яшашига ёхуд прописксасиз ёки рўйхатдан ўтмасдан яшашига йўл қўйилиши, шунингдек гражданлар томонидан ўз турар-жойларида паспортсиз, прописксасиз ёки рўйхатдан ўтмаган шахслар яшаб туришига йўл қўйилиши —

огоҳлантиришга ёки ўн сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

204-м о д д а. **Ишга паспортсиз ёки прописксасиз қабул қилиш**

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари паспортсиз ёки ҳақиқий бўлмаган паспорт билан яшаётган гражданларни, шунингдек прописксасиз яшаб турган гражданларни ишга қабул қилиши —

ўн сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

Ана шундай хатти-ҳаракатлари учун маъмурий жазо чоралари қўлланилган мансабдор шахс бир йил мобайнида яна шундай ҳуқуқбузарликка йўл қўйган тақдирда —

эллик сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

205-м о д д а. **Паспортларни ғайриқонуний равишда олиб қўйиш ва уларни гаровга олиш**

Мансабдор шахсларнинг гражданлардан паспортларини ғайриқонуний равишда олиб қўйиши, шунингдек улар паспортларини гаровга олиши —

огоҳлантиришга ёки ўн сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

206-м о д д а. **Чегара зонасига кириш ёки бу зонада яшаш қоидаларини бузиш**

Чегара зонасига кириш қоидаларини, шунингдек бу зонада яшаш ёки прописксадан ўтиш қоидаларини бузиш —

огоҳлантиришга ёки ўн сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

207-м о д д а. **Чет эл гражданларининг СССРда бўлиш, шунингдек СССР территорияси орқали транзит йўли билан ўтиш қоидаларининг бузилиши**

Чет эл гражданлари ёки гражданлиги бўлмаган шахслар томонидан СССРда бўлиш қоидаларининг бузилиши, яъни СССРда яшаш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларсиз яшаш ёки ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар билан яшаш, рўйхатдан ё прописксадан ўтиш ёхуд бир жойдан иккинчи жойга бориш ва истиқомат жойини танлаб олиш юзасидан белгиланган тартибга риоя қилмаслик, улар учун белгиланган муддат ўтгач яшаш жойидан чиқиб кетишдан бўйин товлаш, шунингдек СССР территорияси орқали транзит йўли билан ўтиш қоидаларига риоя қилмаслик —

огоҳлантиришга ёки эллик сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг СССРда чет эл гражданларини ва гражданлиги бўлмаган шахсларни қабул қилувчи ёки уларга хизмат кўрсатувчи, чет эл гражданлари ва гражданлиги бўлмаган шахслар СССРда бўлиши ва СССР территорияси орқали транзит йўли билан ўтиши шартларига риоя қилиш билан боғлиқ вазифаларни бажарувчи мансабдор шахслар томонидан уларни рўйхатдан, прописксадан ўтказиш ёки рўйхатдан чиқариш, улар учун СССРда яшаш, бир жойдан иккинчи жойга бориш ва истиқомат жойини ўзгартириш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш юзасидан белгиланган тартибнинг бузилиши —

огоҳлантиришга ёки ўн сўмдан юз сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

Хусусий иш билан чет эл гражданлари ва гражданлиги бўлмаган шахсларни СССРга таклиф қилган ҳамда уларга уй-жой майдони берган гражданларнинг уларни белгиланган тартибда ўз вақтида рўйхатдан, прописксадан ўтказишни ёки рўйхатдан ўчиришни таъминлаш чораларини кўрмаслиги —

огоҳлантиришга ёки ўн сўмдан эллик сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

Гражданларнинг чет эл гражданларига ва гражданлиги бўлмаган шахсларга уй-жой, транспорт воситалари бериб қўйиши ёки уларга бошқа хил хизмат кўрсатиши чет эл гражданлари ва гражданлиги бўлмаган шахсларнинг СССРда бўлиши юзасидан белгиланган қоидаларга ҳамда уларнинг СССР территорияси орқали транзит йўли билан ўтиши қоидаларига хилоф равишда амалга оширилса —

огоҳлантиришга ёки ўн сўмдан эллик сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

208-м о д д а. **Чет эл кемаси капитанининг кема экипажидаги шахсларга қирғоққа чиқиш ҳуқуқини берувчи пропускаларни қайтариб бермаслиги**

Чет эл кемаси капитани кема экипажидаги шахсларга қирғоққа чиқиш ва Ўзбекистон ССР портида турган вақтда порт территориясида ва порт шаҳрида бўлиш ҳуқуқини берувчи пропускаларни контрол-пропуск пунктига қайтариб бермаган тақдирда (кема экипажидаги шахс ўзбошимчалик билан қайтиб келмаганлиги оқибатида унга пропускани қайтариб бермаслик ҳоллари бундан мустаснодир) —

капитанга эллик сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

209-м о д д а. **Таможня қоидаларининг бузилиши**

Таможня қоидаларининг бузилиши:

1) чет элдан келган ёки чет элга жўнаётган транспортнинг таможня контролини амалга ошириш учун таможня муассасаси жойлашган ерда тўхтамасдан ўтиши;

2) СССР давлат чегарасидан таможня муассасасига келаётган транспортнинг, гарчи бу транспорт таможня муассасасида кўрикдан ўтказилган бўлса-да, ўзбошимчалик билан қирғоқда тўхташи, туриш ёки тўхташ жойини ўзбошимчалик билан ўзгартириш;

3) транспорт чет элдан қайтиб келгач, тегишли ҳолларда ёзма маълумотлар, топширув ведомостлари ёки бош декларацияни таможня муассасасига тақдим этмаслик ёхуд бу ҳужжатларни зарур маълумотларсиз топшириш;

4) тегишли таможня муассасасига топшириш учун берилган багаж рўйхатлари ва пассажирлар рўйхатларини тақдим этмаслик, шунингдек таможня ҳужжатларини ўз жойига топширмаганлик;

5) чет элдан қайтиб келаётган кема ёнига бошқа кемаларнинг таможня муассасаси рухсатисиз келиб тўхташи, шунингдек портга келиб тўхтаган кемадан бошқа кемаларга, қирғоққа таможня муассасасининг рухсатисиз бирон-бир буюмни ўтказиш ёки қирғоқдан ёхуд бошқа кемалардан олиш (оғир юкларни тушириш ёки кўтариш учун мосланган қурилмалар, юкларни шикастланишдан сақлаш мосламалари, шунингдек такелажлар бундан мустасно бўлиб, бундай мосламалар ва такелажлар кемани ёки юкни ҳалокатдан ёки шикастланишдан қутқариб қолиш учун зарур бўлса);

6) таможня муассасасининг рухсатисиз юкларни очиш ёки қайта упаковка қилиш;

7) таможня муассасасининг рухсатисиз юкларни ортиш, бир жойдан иккинчи жойга кўчириш ёки тушириш;

8) транспортни таможня муассасасининг рухсатисиз жўнатиш;

9) қуроллар, портловчи ва тез ёнувчи моддалар сақланаётган жойларни кўрсатмаслик;

10) таможня муассасаси юкларга, вагонларга, биноларга ёки юк ортиб, тушириладиган жойларга қўйган пломбалар ёхуд печатларни бузганлик;

11) чет элдан келтирилган юкларни таможня муассасасининг рухсатисиз давлат транспорт ташкилотлари омборларидан ёки рўйхатдан ўтказиш складларидан бериб юбориш —

гражданларга ўн сўмгача ва мансабдор шахсларга эллик сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

Халқаро почта жўнатмаларида СССРга олиб кириш тақиқланган юкларни жўнатиш ёки ўз номи билан аталмаган ёхуд декларацияларда бутунлай кўрсатилмаган буюмларни чет элга жўнатиш —

мазкур буюмларни мусодара қилишга сабаб бўлади.

210-м о д д а. **Контрабанда**

1)СССР давлат чегараси орқали юкларни (товарлар, қимматли бойликлар ва бошқа буюмларни) ғайриқонуний равишда ўтказиш, яъни СССР Таможня кодекси талабларини бузган ҳолда бу юкларни таможня муассасаларидан яшириб жўнатиш ёки таможня контролидан яшириб қолиб жўнатиш, шунингдек бундай юкларни СССР территориясида сақлаш, бир жойдан иккинчи жойга кўчириш, сотиш ва харид қилиш;

2) ўзининг одатдаги истеъмол нормасидан ортиқ бўлган миқдордаги чет эл юкларини с

ЎЗБЕКИСТОН ССРнинг МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИ

(Боши иккинчи бетда).

211-м о д д а. **Печатлар (пломбалар)ни қасддан бузиш ёки кўчириб ташлаш**

Ваколати бўлган мансабдор шахс томонидан қўйилган печатлар (пломбалар)ни қасддан бузиш ёки кўчириб ташлаш (ушбу Кодекснинг 141-моддаси иккинчи қисмида, 142-моддаси биринчи қисмида ва 204-моддаси 10-бандида кўрсатилган ҳоллар бундан мустаснодир) —

ўттиз сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

212-м о д д а. **Қимматбаҳо мўйнали ҳайвонларни ов қилиш натижасида олинган териларни мажбурий суратда давлатга топширишдан бўйин товлаш, бундай теріларни ғайриқонуний равишда сотиш, сотиб олиш, алмаштириш ва қайта ишлаш**

Овлаб олинган қимматбаҳо мўйнали ҳайвонларнинг терилари давлатга мажбурий суратда топширишдан бўйин товлаш, шунингдек бу терилари ошламасдан ёки ошлаб туриб биринчи марта ғайриқонуний равишда сотиш, сотиб олиш, алмаштириш ва қайта ишлаш агар уларда давлат тамғалари (штампи) бўлмаса —

мазкур терилар мусодара қилиниб, эллик сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

213-м о д д а. **Қонунсиз овланган маҳсулотларни қабул қилиш**

Тайёрлов ташкилотларининг мансабдор шахслари томонидан қонунсиз ов маҳсулотларининг қабул қилиб олиниши —

ўн сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

214-м о д д а. **Ҳарбий комиссарлик чақириғи бўйича келмаслик**

Гражданнинг ҳарбий комиссарлик чақириғи бўйича чақириқ участкасига рўйхатдан ўтиш учун узрсиз сабаблар билан келмаслиги —

огоҳлантиришга сабаб бўлади.

215-м о д д а. **Чақириқ участкаларида рўйхатдан ўтиши лозим бўлган ёшлар рўйхатларини ҳарбий комиссарликларга тақдим этмаслик**

Уй-жойлардан фойдаланиш ташкилотлари, корхоналар, муассасалар, ўқув юртларининг раҳбарлари ёки ҳарбий учёт ишлари учун масъул бўлган бошқа мансабдор шахслари ҳамда уй эгаларининг чақирув участкаларида рўйхатдан ўтиши лозим бўлган ёшлар рўйхатларини ҳарбий комиссарликларга белгиланган муддатда тақдим этмаслиги —

уларни огоҳлантиришга ёки уларга ўн сўмдан йигирма сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

Маъмурий жазо берилганидан кейин бир йил мобайнида яна ўшандай хатти-ҳаракат қилинган тақдирда —

йигирма сўмдан эллик сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

216-м о д д а. **Ҳарбий хизматга мажбурларни ва ҳарбий учётда турмайдиган ҳарбий хизматга чақирилувчиларни ишга қабул қилиш**

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, колхозлар ва ўқув юртларининг раҳбарлари ёки мансабдор шахслари ҳарбий хизматга мажбурларни ва ўз яшаш жойида ҳарбий учётда турмайдиган ҳарбий хизматга чақирилувчиларни ишга (ўқишга) қабул қилиши—

ўн сўмдан йигирма сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

Маъмурий жазо берилганидан сўнг бир йил мобайнида яна шундай хатти-ҳаракат содир этганлик —

йигирма сўмдан эллик сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

217-м о д д а. **Ҳарбий хизматга мажбурларга ва ҳарбий хизматга чақирилувчиларга улар ҳарбий комиссарликларга чақирилаётганлиги тўғрисида хабар бермаслик**

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, колхозлар ва ўқув юртларининг раҳбарлари ёки қишлоқ ва овул Советларининг ижроия комитетлари ҳузуридаги маъмурий комиссиялари ва ҳарбий хизматга мажбурларга ва ҳарбий хизматга чақирилувчиларга улар ҳарбий комиссарликларга чақирилаётганлиги тўғрисида хабар беришни ташкил этмаганликлари ёхуд гражданларнинг йиғув пунктларига ёки чақириш участкаларига ўз вақтида келишларига тўсқинлик қилишлари —

огоҳлантиришга ёки ўн сўмдан йигирма сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ножўя ҳаракатлардан бирини маъмурий жазо берилганидан сўнг бир йил мобайнида яна қайта содир этганлик —

йигирма сўмдан эллик сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

218-м о д д а. **Ҳарбий хизматга мажбурлар ва ҳарбий хизматга чақирилувчиларни дастлабки учётдан ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатларни ўз вақтида топширмаганлик, шунингдек уларга ҳарбий комиссарликларга чақирилаётганликлари тўғрисида хабар бермаганлик**

Уй-жойлардан фойдаланиш ташкилотлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари ёки ҳарбий учёт ишлари учун масъул бўлган бошқа мансабдор шахслар, шунингдек уй эгалари ҳарбий комиссарликларга ва ҳарбий хизматга мажбурлар ҳамда ҳарбий хизматга чақирилувчиларни дастлабки учётга олиш вазифаси зиммасига юклатилган халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетларига уй дафтарларини ҳарбий хизматга мажбур ёки ҳарбий хизматга чақирилувчи ҳисобланган шахсларнинг прописка карточкаларини ва ҳарбий учёт ҳужжатларини (ҳарбий билетлар, чақирув участкаларига ёзиб қўйилганлиги ҳақидаги гувоҳномаларни) ҳарбий учётга олишни ёки учётдан чиқаришни расмийлаштириш учун ўз вақтида топширмаганликлари, шунингдек уларни ҳарбий комиссарликларга чақирилганликлари ҳақида хабардор қилмаганликлари —

огоҳлантиришга ёки ўн сўмдан йигирма сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ножўя ҳаракатлардан бирини маъмурий жазо берилганидан сўнг бир йил мобайнида яна қайта содир этганлик —

йигирма сўмдан эллик сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

219-м о д д а. **Ҳарбий хизматга мажбурлар ва ҳарбий хизматга чақирилувчилар тўғрисидаги маълумотларни хабар қилмаганлик**

Халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳарлардаги район Советлари ижроия комитетларининг социал таъминот бўлимлари орқали ҳарбий комиссарликларга маълум қилиш мажбурияти зиммасига юклатилган врачлик-меҳнат эксперт комиссияларининг мансабдор шахслари инвалидлик группасидан қатъи назар, инвалид деб топилган барча ҳарбий хизматга мажбурлар ва ҳарбий хизматга чақирилувчилар ҳақидаги маълумотларни хабар қилмаганликлари—

огоҳлантиришга ёки ўн сўмдан йигирма сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

Гражданлик ҳолати актларини ёзиш органларидаги мансабдор шахслар район (шаҳар) ҳарбий комиссарликларига ҳарбий хизматга мажбурлар ва ҳарбий хизматга чақирилувчиларнинг фамилияси, исми, отасининг исми ўзгарганлиги ҳақидаги, уларнинг туғилган вақти ва жойи ҳақида гражданлик ҳолати актларини ёзиш дафтарига киритилган ўзгартишлар тўғрисидаги, шунингдек ҳарбий хизматга мажбурлар ва ҳарбий хизматга чақирилувчиларнинг вафотини рўйхатга олиш ҳоллари тўғрисидаги маълумотларни хабар қилмаганликлари —

огоҳлантиришга ёки ўн сўмдан йигирма сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган ножўя ҳаракатлардан бирини маъмурий жазо берилганидан сўнг бир йил мобайнида яна қайта содир этганлик—

йигирма сўмдан эллик сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

220-м о д д а. **Ҳарбий учётдан ўтиш қоидаларини бузиш**

Ҳарбий хизматга мажбурлар ва ҳарбий хизматга чақирилувчилар умумий ҳарбий мажбурият тўғрисидаги СССР Қонунининг 89—92-моддаларида белгилаб қўйилган ҳарбий учётдан ўтиш қоидаларини бузсалар, шунингдек ҳарбий комиссарликка унинг чақириғи бўйича узрсиз сабаблар билан келмасалар ёки ўзлари ҳарбий учётда турган учёт органига яшаш жойининг адреси ўзгарганлиги, маълумоти, иш жойи ва лавозими ўзгарганлиги ҳақидаги маълумотларни ўз вақтида хабар қилмасалар —

уларни огоҳлантиришга ёки уларга ўн сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

Шу модданинг биринчи қисмида ёки ушбу Кодекс 221-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ножўя ҳаракатлардан бирини маъмурий жазо берилгандан сўнг бир йил мобайнида яна қайта содир этганлик —

ўн сўмдан эллик сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

221-м о д д а. **Ҳарбий билетни қасддан яроқсизлантириш ёки уни эҳтиётсизлик орқасида йўқотиш**

Ҳарбий учёт ҳужжатларини (ҳарбий билетларни ва чақирув участкаларига ёзиб қўйиш тўғрисидаги гувоҳномаларни) қасддан яроқсизлантириш ёки эҳтиётсизлик билан сақлаш орқасида уларни йўқотиш —

огоҳлантиришга ёки ўн сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

Шу модданинг биринчи қисмида ёки ушбу Кодекс 220-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ножўя ҳаракатлардан бирини маъмурий жазо берилганидан сўнг бир йил мобайнида яна қайта содир этганлик —

ўн сўмдан эллик сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

222-м о д д а. **Диний уюшмалар тўғрисидаги қонунларни бузиш**

Диний уюшмалар раҳбарларининг мазкур уюшмаларни давлат бошқарув органларида рўйхатдан ўтказишдан бош тортиши; диний йиғинлар, юришлар ва бошқа диний маросимларни ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан қонун билан белгилаб қўйилган қоидаларни бузиши; диндорлар ва диний уюшмаларнинг аъзолари болалар ва ўсмирларнинг махсус йиғинларини, шунингдек диний маросимга алоқаси бўлмаган меҳнат, адабиёт ва бошқа хилдаги тўгараклар ҳамда группаларни ташкил этиши ва бундай йиғинларни ўтказиши —

эллик сўмгача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

III БЎЛИМ

МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШГА ВАКОЛАТЛИ БЎЛГАН ОРГАНЛАР (МАНСАБДОР ШАХСЛАР)

16-БОБ

АСОСИЙ ҚОИДАЛАР

223-м о д д а. **Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли органлар (мансабдор шахслар)**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни қуйидаги органлар кўриб чиқадилар:

1) халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳарлардаги район, посёлка, қишлоқ ва овул Советларининг ижроия комитетлари ҳузуридаги маъмурий комиссиялар;

2) халқ депутатлари посёлка, қишлоқ ва овул Советларининг ижроия комитетлари;

3) вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи район (шаҳар), шаҳарлардаги район комиссиялари;

4) район (шаҳар) халқ судлари (халқ судьялари);

5) ички ишлар органлари, давлат инспекцияси органлари ва СССР қонун актлари билан ваколат берилган бошқа органлар (мансабдор шахслар).

224-м о д д а. **Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли органлар (мансабдор шахслар) компетенциясини чегаралаб қўйиш**

Халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳарлардаги район, посёлка, қишлоқ, овул Советларининг ижроия комитетлари ҳузуридаги маъмурий комиссиялар ва ижроия комитетлари ҳузуридаги маъмурий комиссиялар, ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қонун Асослари ва иттифоқдош республикаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қонун Асосларига мувофиқ бошқа органлар (мансабдор шахслар) компетенциясига кирувчи ишлардан ташқари, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ҳамма ишларни ҳал қиладилар.

Халқ депутатлари посёлка, қишлоқ, овул Советларининг ижроия комитетлари ССР Иттифоқи қонун актлари билан, ушбу Кодекс ва Ўзбекистон ССРнинг бошқа қонун актлари билан ўз ихтиёрига берилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқадилар.

Агар ССР Иттифоқи қонун актларида бошқача ҳол кўзда тутилмаган бўлса, вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи район (шаҳар), шаҳарлардаги район комиссиялари вояга етмаганларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик қилганликлари тўғрисидаги ишларни кўриб чиқадилар.

Район (шаҳар) халқ судлари (халқ судьялари) ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қонун Асослари билан, ССР Иттифоқининг бошқа қонун актлари, ушбу Кодекс ва Ўзбекистон ССРнинг бошқа қонун актлари билан ўз ихтиёрига берилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқадилар.

Ички ишлар органлари, давлат инспекцияси органлари ва бошқа ваколатли органлар (212-модданинг 5-банди) ССР Иттифоқи қонун актлари билан ўз ихтиёрига берилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни қараб чиқадилар.

225-м о д д а. **Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли коллегиал органларни тузиш тартиби**

Маъмурий комиссиялар халқ депутатлари тегишли Советлари томонидан раис, раис ўринбосари, масъул секретарь ва комиссиянинг камида 6 аъзосидан иборат составда тузилади. Халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳарлардаги район Советларининг ижроия комитетлари ҳузуридаги маъмурий комиссияларда комиссиянинг бошқа ишлардан озод масъул секретари лавозими бўлади. Маъмурий комиссиялар иш тартиби ушбу Кодекс ва Ўзбекистон ССРнинг бошқа қонун актлари билан белгилаб қўйилади.

Вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи район (шаҳар), шаҳарлардаги район комиссиялари халқ депутатлари тегишли Советлари томонидан раис, раис ўринбосари, бошқа ишлардан озод масъул секретарь ва комиссиянинг 6—12 аъзосидан иборат составда тузилади. Зарур ҳолларда комиссия составига болалар билан ишловчи инспектор лавозими ҳам киритилиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли бошқа ички коллегиал органларни тузиш тартиби ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР қонун актлари билан белгиланади.

226-м о д д а. **Коллегиал органлар мажлисларининг ҳуқуқлари**

Маъмурий комиссиялар ва вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар шу комиссиялар составидаги аъзоларининг камида ярми ҳозир бўлган тақдирда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ҳақлидирлар, ҳалқ депутатлари посёлка, қишлоқ, овул Советларининг ижроия комитетлари эса — бундай ишларни ижроком умумий составининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлган тақдирда кўриб чиқишга ҳақлидир.

Бошқа коллегиал органлар мажлисларининг ҳуқуқлари ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР қонунлари билан белгилаб қўйилади.

227-м о д д а. **Мансабдор шахсларнинг ваколатлари**

Ушбу Кодекснинг 223-моддаси 5-бандида кўрсатилган органлар номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқувчи мансабдор шахсларнинг рўйхати ССР Иттифоқи қонун актлари билан ҳамда СССР Министрлар Советининг қарорлари билан белгилаб қўйилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли мансабдор шахслар ушбу Кодекснинг Махсус қисмида кўзда тутилган маъмурий жазо чораларини ўз ваколатлари доирасида ва фақат хизмат бурчини бажариб турганлари чоғида қўлланишлари мумкин.

17-БОБ

МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИНГ ҚИМ ТОМОНИДАН КЎРИБ ЧИҚИЛИШИ

228-м о д д а. **Маъмурий комиссиялар**

Халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳарлардаги район Советларининг ижроия комитетлари ҳузуридаги маъмурий комиссиялар ушбу Кодекснинг 49—51, 54, 55, 57—61-моддаларида, 63-моддасида (фойдали қазилма бойликларини қазиб олиш процессидан ташқари вақтда қилинган ножўя ҳаракат), 68—84-моддаларида, 85—91-моддаларида (маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳаракатлари санитария-гигиена қоидаларини ва атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш нормаларини бузмаса), 92-моддасида (давлат санитария назоратини амалга оширувчи органларнинг кўрсатмаларини бажармаганлик бундан мустасно), 93-моддаси биринчи қисмида (ов қилиш, балиқ овлаш ва балиқ запасларини муҳофаза этиш қоидаларини бузганлик тўғрисидаги ишлардан ташқари), 94—97, 98, 102—114, 117—119-моддаларида, 148-моддасида (автомобиль транспортида ножўя ҳаракат қилганлик), 151—155, 158—166, 167, 168—170, 172, 173-модданинг иккинчи қисми, 175, 176, 178, 181-моддаларида, 182-моддасида (вояга етмаганларнинг ота-оналари ёки улар ўрнини босувчи шахслар хусусидаги ишлардан ташқари), 185, 186, 188, 190, 191, 193—200-моддаларида, 201—205-моддаларида (Тошкент шаҳрида ножўя ҳаракатлар қилиш бундан мустаснодир) ва 211—213, 215—219, 222-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқадилар.

Халқ депутатлари посёлка, қишлоқ, овул Советларининг ижроия комитетлари ҳузуридаги маъмурий комиссиялар ушбу Кодекснинг 49—51, 55, 68-моддаларида, 85—91-моддаларида (маъмурий ҳуқуқбузарлик санитария-гигиена қоидаларини ва атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш нормаларини бузмаса), 92-моддасида (давлат санитария назоратини амалга оширувчи органларнинг кўрсатмаларини бажармаганлик бундан мустаснодир), 93-моддаси биринчи қисмида (ов қилиш, балиқ овлаш ва балиқ запасларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қоидаларни бузганлик тўғрисидаги ишлардан ташқари), 94—98-моддаларида, 106-моддасида (ҳуқуқбузарлик граждан томонидан содир этилган тақдирда), 109, 114, 118-моддаларида, 148-моддасида (автомобиль транспортида ножўя ҳаракат қилганлик), 151, 152, 155, 158, 159, 161—165, 167, 168, 169, 178, 181-моддаларида, 182-моддасида (вояга етмаганларнинг ота-оналари ёки улар ўрнини босувчи шахслар хусусидаги ишлардан ташқари) ва 188, 190, 191, 195—200, 211—213, 215—219-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқадилар. Аҳоли пунктлари раёни марказидан анча узоқда бўлган ёки бу пунктларга бориш қийин бўлган ҳолларда комиссиялар истисно тариқасида ушбу Кодекснинг 179-моддасида ҳамда 180-моддаси биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни ҳам кўриб чиқишлари мумкин. Бундай аҳоли пунктларининг рўйхати халқ депутатлари область Советларининг ижроия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети томонидан белгилаб қўйилади.

Халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳарлардаги район, посёлка, қишлоқ, овул Советларининг ижроия комитетлари ҳузуридаги маъмурий комиссиялар ушбу Кодекснинг 5 ва 6-моддаларига мувофиқ белгилаб қўйиладиган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни ва маъмурий жавобгарликни кўриб чиқадилар.

229-м о д д а. **Халқ депутатлари посёлка, қишлоқ, овул Советларининг ижроия комитетлари**

Халқ депутатлари посёлка, қишлоқ, овул Советларининг ижроия комитетлари ушбу Кодекснинг 49, 50, 55-моддаларида, 93-моддаси биринчи қисмида (ов қилиш, балиқ овлаш ва балиқ запасларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузганлик тўғрисидаги ишлардан ташқари), 94—97, 98-моддаларида, 105 ва 106-моддаларида (ҳуқуқбузарлик граждан томонидан содир этилса), 109, 114, 161—164, 168, 172, 178, 181, 182-моддаларида (вояга етмаганларнинг ота-оналари ва улар ўрнини босувчи шахслар хусусидаги ишлардан ташқари) ва 190, 191, 195—199, 212, 213-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқадилар. Аҳоли пунктларига бориш қийин бўлган ёки улар район марказидан анча узоқда жойлашган тақдирда халқ депутатлари посёлка, қишлоқ, овул Советларининг ижроия комитетлари истисно тариқасида ушбу Кодекснинг 179-моддасида ҳамда 180-моддаси биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни ҳам кўриб чиқишлари мумкин. Бундай аҳоли пунктларининг рўйхати халқ депутатлари область Советларининг ижроия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети томонидан белгилаб қўйилади.

230-м о д д а. **Вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар**

Вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи район (шаҳар), шаҳарлардаги район комиссиялари ушбу Кодекснинг 187-моддасида назарда тутилган ишлардан бошқа вояга етмаган шахслар содир қилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқадилар. Ушбу Кодекснинг 56, 130—140, 168, 177, 178, 195—198-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар улар томонидан мазкур ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юборилган орган (мансабдор шахс) бу ишни шу комиссиялар қараб чиқиши учун тошширган ҳоллардагина кўриб чиқадилар. Вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар вояга етмаганларнинг ота-оналари ёки улар ўрнини босувчи шахслар хусусидаги, ушбу Кодекснинг 180-моддаси тўртинчи қисмида, 182-моддасида, 183-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни ҳам қараб чиқадилар.

231-м о д д а. **Ичкиликбозликка қарши кураш олиб борувчи комиссиялар**

Халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳарлардаги район Советларининг ижроия комитетлари ҳузуридаги ичкиликбозликка қарши кураш олиб борувчи комиссиялар ушбу Кодекснинг 167 ва 181-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқадилар.

232-м о д д а. **Район (шаҳар) халқ судлари (халқ судьялари)**

Район (шаҳар) халқ судларининг халқ судьялари ушбу Кодекснинг 42—44, 56, 156, 171, 177-моддаларида, 180-моддаси учинчи қисмида, 184, 187, 189-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқадилар.

233-м о д д а. **Ички ишлар органлари (милиция)**

Ички ишлар органлари (милиция) ушбу Кодекснинг 48, 120—125, 126, 130—147-моддаларида, 148-моддасида (автомобиль транспортида ножўя ҳаракат қилганлик бундан мустаснодир), 149, 150-моддаларида, 173-модданинг биринчи қисмида, 174,177, 179-моддаларида, 180-моддаси биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 183-моддаси иккинчи қисмида, 201—205-моддаларида (Тошкент шаҳрида қилинган ножўя ҳаракат) ва 206—208-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқадилар.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиб, ички ишлар органлари номидан маъмурий жазо бериш ҳуқуқига:

1) ушбу Кодекснинг 48, 120—125, 145—147-моддаларида, 148-моддасида (автомобиль транспортида ножўя ҳаракат қилганлик бундан мустасно), 149-моддасида, 173-моддасининг биринчи қисмида, 174, 177-моддаларида, 183-моддаси иккинчи қисмида, 206-моддасида, 207-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик содир қилганлик учун—ички ишлар органлари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари, шу Кодекснинг 179-моддасида, 180-моддаси биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 207-моддаси иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик қилганлик учун — халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳарлардаги район Советларининг ижроия комитетлари ички ишлар бўлимлари (бошқармалари) бошлиқлари ёки уларнинг ўринбосарлари эга бўлиб, улар огоҳлантириш ёки штраф жазоси берадилар;

ушбу Кодекснинг 179-моддасида ва 180-моддаси биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун —транспортдаги ички ишлар органларининг бошлиқлари ёки улар ўринбосарлари, халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳарлардаги район Советлари ижроия комитетларининг ички ишлар бўлимлари (бошқармаларига) тенглаштирилган бошқа ички ишлар органларининг бошлиқлари ёки улар ўринбосарлари ҳам, шунингдек ички ишлар органлари системасидаги милиция бўлимларининг бошлиқлари эгадирлар.

2) ушбу Кодекснинг 131-моддаси учинчи қисмида, 132-моддаси иккинчи қисмида, 133-моддасида, 135-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида, 136-моддаси иккинчи қисмида, 137, 138-моддаларида, 141-моддаси иккинчи қисмида, 142, 143-моддаларида ва 150-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун — Давлат автомобиль инспекцияси бўлинмаси (бўлими, бошқармаси)нинг бошлиғи ёки унинг ўринбосари, халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳардаги район Советлари ижроия комитетининг ички ишлар бўлимида Давлат автомобиль инспекцияси бўлмаган тақдирда эса — ички ишлар бўлимининг бошлиғи ёки унинг ўринбосари эгадирлар. Бундай ишларни кўриб чиқиш пайтида меҳнат коллективлари ва жамоат ташкилотларининг вакиллари ҳам иштирок этишлари мумкин;

3) ушбу Кодекснинг 130-моддасида, 131-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида, 132-моддаси биринчи қисмида, 135-моддаси учинчи қисмида, 136-моддаси биринчи қисмида, 140-моддасида, 141-моддаси биринчи қисмида ва 150-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун — йўл-патрул хизмати бўлинмаларининг командирлари ва уларнинг ўринбосарлари, давлат автомобиль инспекторлари эга бўлиб, улар ўттиз сўмгача миқдорда штраф соладилар; йўл-патрул хизмати инспекторлари ва йўл ҳаракати қоидаларига ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминловчи бошқа нормативларга риоя қилиниши устидан контрол олиб борувчи бошқа инспекторлар эга бўлиб, улар йигирма сўмгача миқдорда штраф соладилар.

234-м о д д а. **Давлат ёнғинга қарши назорат органлари**

Давлат ёнғинга қарши назорат органлари ушбу Кодекснинг 129 ва 192-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўрадилар.

Давлат ёнғинга қарши назорат органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо қўлланиш ҳуқуқига қуйидагилар эгадирлар:

СССР Ички ишлар министрлиги Ёнғиндан сақлаш бош бошқармасининг бошлиғи ва унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги Ёнғиндан сақлаш бошқармасининг бошлиғи ва унинг ўринбосарлари мансабдор шахсларга эллик сўмгача миқдорда штраф соладилар;

Қорақалпоғистон АССР Ички ишлар министрлиги Ёнғиндан сақлаш бошқармаси (бўлими)нинг бошлиқлари, халқ депутатлари область, Тошкент шаҳар Советлари ижроия комитетлари ички ишлар бошқармаларининг бошлиқлари мансабдор шахсларга ўттиз сўмгача миқдорда штраф соладилар;

Халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳарлардаги район Советлари ижроия комитетларининг ички ишлар бўлимлари (бўлинмалари, инспекциялари) бошлиқлари, давлат ёнғинга қарши назорат инспекторлари, шаҳарлар, шаҳар типидаги посёлкалар ва район марказларидаги ёнғиндан сақлаш отрядлари, қисмларининг бошлиқлари гражданларга ўн сўмгача ва мансабдор шахсларга йигирма сўмгача миқдорда штраф соладилар.

235-м о д д а. **Темир йўл транспорти органлари**

Темир йўл транспорти органлари ушбу Кодекснинг 47-моддаси биринчи қисмида (темир йўл транспортида ножўя ҳаракат қилганлик), 120, 121-моддаларида, 129-моддаси биринчи қисмида (темир йўл транспортида ножўя ҳаракат қилганлик), 145-моддаси биринчи қисмида, 146-моддаси биринчи қисмида, 147 ва 148-моддаларида (темир йўл транспортида ножўя ҳаракат қилганлик) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқадилар.

Темир йўл транспорти органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо қўлланиш ҳуқуқига рўйхати СССР Министрлар Совети томонидан белгилаб қўйиладиган мансабдор шахслар эгадирлар.

236-м о д д а. **Ҳаво транспорти органлари**

Ҳаво транспорти органлари ушбу Кодекснинг 47-моддаси иккинчи қисмида, 122—125-моддаларида, 129-моддаси иккинчи қисмида, 147-моддасида (ҳаво транспортида ножўя ҳаракат қилганлик) ва 149-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқадилар.

Ҳаво транспорти органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо қўлланиш ҳуқуқига рўйхати СССР Министрлар Совети томонидан белгилаб қўйиладиган мансабдор шахслар эгадирлар.

237-м о д д а. **Сув транспорти органлари**

Сув транспорти органлари ушбу Кодекснинг 47-моддаси биринчи қиемида (сув транспортида ножўя ҳаракат қилганлик), 126, 128-моддаларида, 129-моддаси биринчи қисмида (сув транспортида ножўя ҳаракат қилганлик), 148-моддасида (сув транспортида ножўя ҳаракат қилганлик) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқадилар.

Сув транспорти органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо қўлланиш ҳуқуқига рўйхати ССР Министрлар Совети томонидан белгилаб қўйиладиган мансабдор шахслар эгадирлар.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган органлар номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо бериш ҳуқуқига шаҳар ва шаҳарлараро пассажир автомобиль транспорти ва электр транспорт (троллейбус, трамвай) органларининг ревизор-контролерлари, билет текширувчи контролёрлари ва тегишли ваколати бўлган бошқа ходимлари ҳақлидирлар.

240-м о д д а. **Меҳнат бўйича ҳуқуқ ва техник инспекторлари**

Меҳнат бўйича ҳуқуқ ва техник инспекторлари ушбу Кодекснинг 45-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқадилар.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чораси қўлланиш ҳуқуқига қуйидагилар эгадирлар:

меҳнат тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун — меҳнат бўйича ҳуқуқ инспекторлари ўн сўмгача миқдорда штраф соладилар ва меҳнат бўйича бош ҳуқуқ инспекторлари эллик сўмгача миқдорда штраф соладилар;

меҳнат муҳофазаси қоидаларини бузганлик учун — меҳнат бўйича техник инспекторлар ўн сўмгача миқдорда штраф соладилар ва меҳнат бўйича бош техник инспекторлар эллик сўмгача миқдорда штраф соладилар.

241-м о д д а. **Госгортехнадзор органлари**

Госгортехнадзор органлари ушбу Кодекснинг 52, 62-моддаларида, 63-моддасида (фойдали қазилма бойликларини қазиб олиш процессида қилинган ножўя ҳаракатлар), 99 ва 101-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқадилар.

Госгортехнадзор органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чораси бериш ҳуқуқига қуйидагилар эгадирлар:

1) ер ости бойликлари тўғрисидаги қонунларни бузганлик, шу жумладан гидроминерал ресурсларни сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун —

район (область) госгортехнадзор инспекцияларининг бошлиқлари ўттиз сўмгача миқдорда штраф соладилар;

госгортехнадзор округ бошқармаларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари эллик сўмгача миқдорда штраф соладилар;

Ўзбекистон ССР Саноатда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиб туриш ва кончилик назорати давлат комитетининг раиси ва унинг ўринбосарлари, шунингдек СССР Саноатда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиб туриш ва кончилик назорати давлат комитетининг раиси ва унинг ўринбосарлари юз сўмгача миқдорда штраф соладилар;

2) саноат тармоқларида ва

ЎЗБЕКИСТОН ССРнинг МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИ

(Давоми. Боши 2- ва 3-бетларда).

242-м о д д а. **Госатомэнергонадзор органлари**

Госатомэнергонадзор органлари ушбу Кодекснинг 100-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўрадилар.

Госатомэнергонадзор органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо бериш ҳуқуқига қуйидагилар эгадирлар:

госатомэнергонадзор инспекцияларининг бошлиқлари ўттиз сўмгача миқдорда штраф соладилар;

госатомэнергонадзор округ бошқармаларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари эллик сўмгача миқдорда штраф соладилар;

СССР Атом энергетикасида ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиб туриш давлат комитети раиси ва унинг ўринбосарлари юз сўмгача миқдорда штраф соладилар.

243-м о д д а. **СССР Машинасозлик министрлиги ва СССР Ўрта машинасозлик министрлиги инспекцияларининг органлари**

СССР Машинасозлик министрлиги ва СССР Ўрта машинасозлик министрлиги инспекцияларининг органлари ўз контроли остидаги объектларда ишларни бехатар олиб бориш қоидалари, нормалари ва инструкцияларини бузганлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқадилар.

244-м о д д а. **Таможня органлари**

Таможня органлари ушбу Кодекснинг 209 ва 210-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўрадилар.

Таможня органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо бериш ҳуқуқига таможня бошлиқлари ёки уларнинг ўринбосарлари эгадирлар.

245-м о д д а. **СССР Мудофаа министрлиги органлари**

СССР Мудофаа министрлиги органлари ушбу Кодекснинг 130-моддасида, 131-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида, 132-моддаси биринчи қисмида ва 135-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган (СССР Қуролли Кучлари транспорт воситаларининг ҳайдовчилари бўлмиш ҳарбий хизматчилар ва сборларга чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар томонидан содир этилган) шунингдек мазкур Кодекснинг 214, 220 ва 221-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқадилар.

СССР Мудофаа министрлиги органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо бериш ҳуқуқига қуйидагилар эгадирлар:

1) ушбу Кодекснинг 214, 220 ва 221-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар учун — район (шаҳар) ҳарбий комиссарлари;

2) ушбу Кодекснинг 130-моддасида, 131-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида, 132-моддаси биринчи қисмида ва 135-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун — ҳарбий автомобиль инспекциясининг мансабдор шахслари: инспекция бошлиғи ёки унинг ўринбосари, ҳарбий малака комиссиясининг раиси, катта инспектор, инспектор, шунингдек ҳарбий автомобиль инспекциясининг штатсиз инспекторлари тарқатсда белгиланган тартибда иш кўрувчи офицерлар, прапоршчиклар ва мичманлар огоҳлантириш тарзида жазо берадилар.

СССР Қуролли Кучлари транспорт воситаларининг ҳайдовчилари томонидан — ҳарбий хизматчилар ва сборларга чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар томонидан қилинган ножўя ҳаракатлар тўғрисидаги материаллар (бундай ҳаракат учун маъмурий жазо тариқасида фақат штраф кўзда тутилган бўлса) СССР Мудофаа министрлиги томонидан белгиланган тартибда ҳарбий автомобиль инспекцияси томонидан айбдорларни жавобгарликка тортиш масаласини ҳал қилиш учун СССР Қуролли Кучлари Интизом устави бўйича тегишли командирларга (бошлиқларга) юборилади.

СССР Қуролли Кучлари транспорт воситаларининг ҳайдовчилари бўлмиш ҳарбий хизматчилар ва сборларга чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар томонидан содир этилган ножўя ҳаракатлар тўғрисидаги протоколлар (бундай ҳаракат учун транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш тариқасидаги маъмурий жазо берилиши мумкин бўлса) СССР Мудофаа министрлиги СССР Ички ишлар министрлиги билан биргаликда белгилаб қўйган тартибда ҳарбий автомобиль инспекцияси томонидан Давлат автомобиль инспекциясига юборилади.

246-м о д д а. **Давлат санитария назоратини амалга оширувчи органлар ва муассасалар**

Давлат санитария назоратини амалга оширувчи органлар ва муассасалар ушбу Кодекснинг 46-моддасида, 47-моддасида (темир йўл транспортида қилинган ножўя ҳаракат бундан мустасно), 85 — 91-моддаларида (бундай ҳаракат санитария-гигиена қоидаларини ва атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш нормаларини бузишдан иборат бўлса) ва 92-моддасида (давлат санитария назоратини амалга оширувчи органларнинг кўрсатмаларини бажармаганлик) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқадилар.

Давлат санитария назоратини амалга оширувчи органлар ва муассасалар номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо бериш ҳуқуқига қуйидагилар эгадирлар:

1) санитария-гигиена ва эпидемияга қарши санитария қоидаларини ҳамда нормаларини (атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш қоидалари ва нормаларини бузганлик бундан мустасно) бузганлик учун — СССР давлат бош санитария врачи ва унинг ўринбосарлари гражданларга ўн сўмгача ва мансабдор шахсларга эллик сўмгача миқдорда штраф соладилар;

Ўзбекистон ССР давлат бош санитария врачи ва унинг ўринбосарлари гражданларга ўн сўмгача ва мансабдор шахсларга ўттиз сўмгача миқдорда штраф соладилар;

Қорақалпоғистон АССР, областлар ва Тошкент шаҳрининг давлат бош санитария врачлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари, районларга бўлинган шаҳарларнинг давлат бош санитария врачлари ҳамда сув транспортидаги ҳавзалар давлат бош санитария врачлари гражданларга ўн сўмгача ва мансабдор шахсларга йигирма сўмгача миқдорда штраф соладилар;

районларга бўлинмаган шаҳарларнинг, районларнинг давлат бош санитария врачлари ҳамда сув транспортидаги портлар ва линия участкаларининг давлат бош санитария врачлари гражданларга ва мансабдор шахсларга ўн сўмгача миқдорда штраф соладилар;

2) санитария-гигиена қоидаларини ва атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш нормаларини бузганлик учун —

СССР давлат бош санитария врачи ва унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон ССР давлат бош санитария врачи ва унинг ўринбосарлари гражданларга эллик сўмгача ва мансабдор шахсларга юз сўмгача миқдорда штраф соладилар;

Қорақалпоғистон АССР, областлар ва Тошкент шаҳрининг давлат бош санитария врачлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари, районларга бўлинган шаҳарларнинг давлат бош санитария врачлари, сув транспортидаги ҳавзалар давлат бош санитария врачлари гражданларга ўн сўмгача ва мансабдор шахсларга ўттиз сўмгача миқдорда штраф соладилар;

районларга бўлинмаган шаҳарларнинг, районларнинг давлат бош санитария врачлари ҳамда сув транспортидаги портлар ва линия участкаларининг давлат бош санитария врачлари гражданларга ўн сўмгача ва мансабдор шахсларга йигирма сўмгача миқдорда штраф соладилар.

247-м о д д а. **СССР Мудофаа министрлиги, СССР Ички ишлар министрлиги ва СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг санитария назоратини амалга оширувчи медицина хизмати идоралари**

СССР Мудофаа министрлиги, СССР Ички ишлар министрлиги ва СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг санитария назоратини амалга оширувчи медицина хизмати ушбу Кодекснинг 46-моддасида (санитария-гигиена қоидаларини ва атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш нормаларини бузганлик тўғрисида, ножўя ҳаракатлар ҳам шу жумладан) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқадилар.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган органлар номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш ва мансабдор шахсларга маъмурий жазо бериш ҳуқуқига қуйидагилар эгадирлар;

СССР Мудофаа министрлигининг бош эпидемиологи ва унинг ўринбосари ўттиз сўмгача миқдорда штраф солади; СССР Мудофаа министрлиги Марказий санитария-эпидемиология лабораториясининг бошлиғи, шунингдек СССР Қуролли Кучлари турларининг, ҳарбий округларнинг, ҳаво ҳужумидан мудофаа округларининг, қўшинлар ва флотлар группаларининг бош эпидемиологлари йигирма сўмгача миқдорда штраф соладилар;

СССР Ички ишлар министрлиги Марказий санитария-эпидемиология станциясининг бошлиғи ва унинг ўринбосари, шунингдек СССР Ички ишлар министрлиги ички қўшинлар санитария-эпидемиология отрядининг бошлиғи ўттиз сўмгача миқдорда штраф соладилар;

Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги, Қорақалпоғистон АССР Ички ишлар министрлиги ҳамда халқ депутатлари область ва Тошкент шаҳар Советлари ижроия комитетлари ички ишлар бошқармаларининг санитария-эпидемиология станциялари бошлиқлари, шунингдек аҳлоқ тузатиш-меҳнат муассасалари санитария-эпидемиология станцияларининг бошлиқлари йигирма сўмгача штраф соладилар;

СССР Давлат хавфсизлиги комитети санитария-эпидемиология станциясининг бошлиғи ва унинг ўринбосари, шунингдек СССР Давлат хавфсизлиги комитети қўшинларининг бош эпидемиологи ўттиз сўмгача миқдорда штраф соладилар;

Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитети, Қорақалпоғистон АССР Давлат хавфсизлиги комитети медицина хизмати бошлиқлари ҳамда Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитетининг областлардаги бошқармалари медицина хизмати бошлиқлари, шунингдек СССР Давлат хавфсизлиги комитети қўшинлари санитария-эпидемиология отрядларининг бошлиқлари йигирма сўмгача миқдорда штраф солишга ҳақлидирлар.

(Давоми бор).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СУДИНИНГ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон ССР Олий судининг навбатдаги пленумида ишларни қўшимча тергов ўтказиш учун қайтаришни мувофиқлаштирувчи жиноий-процессуал нормаларни суд-лар томонидан қўлланиш практикаси муҳокама этилди. Шу нарса таъкидландики, жиноятчиликка қарши кураш кучайтириб юборилган шароитда Совет давлати социал адолат принципига риоя этишга, айбдорларни тез фош қилиш, жазолашга, тергов қилиш ва судда кўриб чиқишда ишларни чўзиш ва нообъективлик фактларига йўл қўймасликка катта эътибор бермоқда.

Пленум олдиндан тергов қилиш сифатини янада ошириш зарурлигига судларнинг диққат-эътиборини қаратди. Бунда шундай вазифа қўйилдики, жиноятга даҳлдор бўлган барча шахслар жавобгарликка тортилиши, уларнинг жиноятдаги роли ва унда иштирок этганлик даражаси аниқланиши, шахс ҳақида тўла маълумотлар олиниши, етказилган зарарни белгилаш ва уни қоплаш юзасидан чоралар кўрилиши зарур. Судлар терговда юз берган камчиликларни тузатиш учун қонунда кўзда тутилган барча чораларни кўришлари, ишни тез ва адолатли ҳал этишлари керак.

Практика шуни кўрсатмоқдаки, ишларни тергов қилишда исботланиши зарур бўлган муҳим ҳолатлар кўпинча эътибордан четда қолмоқда, айблов, қилинган жиноятнинг моҳияти, мақсади, усули ва даражаси ҳамиша ҳам аниқ ва конкрет баён қилиб берилмаяпти, судлар эса кўпинча мана шу камчиликларга эътибор қилмаяптилар. Социалистик мулкни ўғирлаш, пора олиш ва пора бериш, гражданларнинг ҳаёти ва сиҳат-саломатлигига қасд қилиш сингари оғир жиноятларга йўл қўйган шахсларга нисбатан жиноий иш тўла текширилмасдан, юзаки кўриб чиқилишига айниқса, тоқат қилиб бўлмайди.

Жиноий ишларни кўриб чиқиш чоғида судлар олдига социалистик қонунчилик режимини изчил таъминлаш, терговнинг тўла олиб борилмаганлигига принципиал жиҳатдан эътибор бериш, суд мажлисида уни тўлдириш имконияти бўлмаган тақдирда эса бундай ишларни янада сифатли тергов қилиш учун тергов органларига қайтариш вазифаси қўйилди.

СССР Олий судининг 1982 йил 25 мартда бўлиб ўтган пленумида қабул қилинган «Оталикни белгилаш ҳамда болаларга ва оиланинг бошқа аъзоларига алимент ундириш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда судларнинг Қонунни қўлланишлари ҳақида»ги қарорининг қандай бажарилаётганлиги ҳам пленумда муҳокама этилди.

Шу хилдаги ҳар бир ишни пухта кўриб чиқиш, она билан боланинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш судларнинг бурчи эканлиги уқдириб ўтилди. Судлар аввало шундай чоралар кўриши керакки, токи оталарнинг ўзлари фарзандларига ихтиёрий равишда моддий ёрдам кўрсатсинлар, уларни тарбиялашда иштирок этсинлар, ота-оналик бурчини виждонан бажарсинлар. Судлар айрим виждонсиз шахслар болаларини боқиш ва тарбиялашни давлат органлари зиммасига юклашга ҳар қандай интилишининг пайини қатъий қирқишлари лозим. Болаларни боқишга алимент ундириш ҳақидаги баҳс туғилган дастлабки пайтданоқ оилани сақлаб қолиш чораларини кўриш керак.

Никоҳда бўлмаган шахслар фарзанд кўрганида оталик ота-онанинг ЗАГС органларига бирга ариза бериши билан белгиланади.

Мабодо, баҳс туғилиб қолгудек бўлса, бу масалани суд кўриб чиқади. Бунда ишнинг ҳақиқий ҳолатларини, томонларнинг ўзаро муносабатини белгилаш айниқса, муҳимдир. Оталик исботланган, деб тан олинадиган шароитларни кўзда тутувчи Қонун талабларига мувофиқ, бу баҳслар ҳал этилиши керак.

Пленум муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди. Бу қарорларда Ўзбекистон ССР қонунларини қўлланиш юзасидан судларга тегишли тушунтиришлар берилди.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

«Радуга» нашриётининг Тошкент бўлими қуйидаги китобларни чоп этди:

Иван ПАДЕРИН. Тошлар ғунча очганда. Роман. 446 бет. Баҳоси 3 сўм 90 тийин (араб тилида).

Роман фашистлар Германияси билан бўлган урушнинг сўнгги даҳшатлари тўғрисида ҳикоя қилади. Совет Армиясининг оддий жангчисидан офицерларигача эътиқодга содиқ ватанпарварлар эканликлари кенг ёритиб берилган.

Геннадий НЕКРАСОВ. Партизанлар қўнғироғи. Қисса. 192 бет. Баҳоси 1 сўм 9 тийин (араб тилида).

Пионер Кешка Соловьевни партизан бобоси каби гитлерчи босқинчиларга қарши курашда ёрдам бергани учун «Партизанлар қўнғироғи» деб аташарди. Қўрқмас бу қасоскорнинг ҳаёти ва жасорати, унинг туғилиб ўсган ерларини ҳимоя қилишда кўрсатган қаҳрамонликлари ҳақида ҳикоя қилинади.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИ. Тўплам, 208 бет. Баҳоси 2 сўм 7 тийин (ҳинд тилида).

Тўпламга йигирма бешта энг машҳур эртаклар киритилган. Булар орасида «Тоҳир ва Зуҳра», «Уч оғайни ботирлар», «Фарҳод ва Ширин» ва бошқалар бор.

ИНСОНИЙЛИК РАМЗИ

ҚАЛБ ҚУЁШИ

Қалби мусаффо, нияти покиза одам яхшиликни умрбод унутмайди.. Узига раҳнамолик қилган, қувончи ва ташвишига шерик бўлган, қийин дамларида кўмагини аямаган кишидан миннатдор бўлиб юради, бу ноёб туйғуни қалбининг тўрида сақлайди.

— Шогирдларингиз Сизни сидқидилдан эъзозлашади. Миннатдорликнинг боиси нимада?

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи, Урганч шаҳридаги 94-мактаб-интернат директори Марям Ёқубова бу саволга қисқа, лўнда қилиб жавоб қайтарди:

— Ёш педагоглардан тўғри маслаҳатим ва ёрдамимни ҳеч қачон аямаганман, ўқувчиларни эса ўз фарзандларимдан кам кўрмайман. Шогирдларим эл ишончини оқлашса, менга шунинг ўзи кифоя...

Ҳа, устозга шу кифоя. Салоҳиятли, садоқатли шогирд ишончга доимо лойиқ бўлади. Марям Ёқубованинг шогирдларидан Исмоил Бобониёзов, Рашида Абдуллина, Мария Дворцова ва бошқалар билан суҳбатлашганимизда, миннатдорчиликнинг сабаби равшан бўлди. Улар опанинг самимийлиги, камтарлиги, меҳрибонлиги, керак вақтида қаттиққўл ва талабчанлиги тўғрисида фактлар асосида ҳикоя қилиб беришди.

Қайси соҳада бўлмасин, халқимиз устоз ва мураббийлар ҳурматини баланд тутади, уларни муносиб шарафлайди. Гурлан районидаги «Коммунизм» колхозининг бригада бошлиғи Отажон Бобожонов пахтачиликни ривожлантиришдаги хизматлари учун Меҳнат Қизил Байроқ орденига мушарраф бўлганида, табрик ва қутловларга жавобан қалб ташаккурини изҳор этиб, шундай деди:

— Менинг пахтакор бўлиб вояга етишимда тажрибали деҳқон, Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветерани Оллам Маткаримовнинг хизмати катта. Мўл ҳосил етиштириш санъатини ундан ўрганганман. Икки марта Ленин ордени кавалери, ажойиб инсон ва устоз Оллам оғага шу қувончли лаҳзада минг раҳмат десам оз!

Республикада хизмат кўрсатган пахтакор Шомурод Урозалиевдан тортиб Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Гулиммат Ҳайтимматовдек ёшларгача Оллам Маткаримовни ўзларига устоз билишади. Маткаримов бригадасида ташкил этилган илғор тажриба мактаби талабалари меҳнатда, ҳаётда ўз устозларидан андоза олишади.

Шундай кишилар борки, жамият ишларига енг шимариб, халқ хизматида елиб-югуришади. Маош ёки бошқа бирон шахсий манфаат илинжида эмас, эл бахт-саодатини ўйлаб ўз ҳузур-ҳаловатидан кечишади. Ўзлари қийналса ҳам, одамларга яхшиликни раво кўрадиган, бошқалар ташвиши билан яшайдиган кишилардан бири — Урганч шаҳридаги 13-маҳалла комитети раиси Эгам Искандаровдир. У темир йўл касалхонасида бош врач. Хизмат вазифаси билан боғлиқ ташвишлари етарли. Шундай бўлса ҳам маҳалла масъулияти зиммасида. Энг муҳими, барча ундан мамнун. Маҳаллада ичкиликбозликка, диний сарқитларга барҳам берилишда, тўй-ҳашамларда исрофгарчиликнинг олди олинишида, янги анъаналарни турмушга сингдирилишида маҳалла комитети раисининг хизматти катта. Қайси хонадонда бўлманг, актив жамоатчи Э. Искандаров хусусида илиқ сўзлар эшитасиз.

Яхшилик учун миннатдорлик, меҳр-оқибат, бахтли ҳаётга шукроналик — кишининг маънавий етуклиги мезони. Аммо, раҳмат деган сўзнинг қадрига етмайдиган, ўзини вояга етказган коллективнинг ишончини оқламайдиган шахслар ҳам йўқ эмас. Касб-кор ўргатган, мураббийлик қилган устозни унутиб, отга минса отасини танимайдиганлар учраб туради.

Бир мисол. Искандар Юсупов ҳамма қатори оддий колхозчи эди. Меҳнатда ўзини кўрсатди, бригада бошлиғи вазифасига кўтарилди, Янгиариқ районидаги «Москва» колхози аъзолари уни правление раиси қилиб сайладилар. Хизматлари юксак тақдирланиб, орден ва медалларга сазовор бўлди. Афсуски, амал И. Юсуповнинг бошини айлантирди, ўзини сайлаб қўйган колхозчилардан узоқлашди, ҳатто устозларини менсимай қўйди. Ўзини эгри йўлдан қайтармоқчи бўлган кишиларни таъқиб қилди. Катта ишонч, юксак мукофотлар учун миннатдорчиликни ҳалол меҳнат билан оқлаш ўрнига кибру-ҳавога, мол-дунёга берилиб кетди. Охири, эл назаридан қолиб, ишдан четлаштирилди, қилмишига яраша жазо олди.

Яқинда бир кекса муаллим кеча ўзи ўқитган, бугунги кунда масъул лавозимда ишлаётган шогирди уни танимасликка олиб, ўтиб кетганидан ранжиб гапирди. Илм ўргатган устозига бу хил муомалани қандай изоҳлаш мумкин? Маданиятсизликми? Бизнингча, бу — одамгарчиликка ёт одат. Ахир, икки оғиз ширин сўз, салом бериб ҳол-аҳвол сўрашиш билан ҳам миннатдорчиликни изҳор этиш мумкин-ку?!

Касалхонадаги бемор отасини, қишлоқдаги соғинган онасини кўришга вақт топмайдиган фарзандларга нима дейсиз?! Ота-онанинг ўз жигарбандларидан умиди шуми? Меҳр-муҳаббати ва тарбияси учун миннатдорликни азиз падар, мушфиқ онадан дариғ тутсак, виждон бизни кечирармикан?

Ҳаёт борки, тўй бор, аза бор. Киши бошига иш тушган, бетобланган вақтларда дўстлик синалади. Эл билан бирга қувониш, дўстларга ҳамдард бўлиш, тасалли бериш — инсонийлик рамзи. Лекин, яхшиликни таъна қилиш одобдан эмас. «Сен мендан умрбод миннатдор бўлишинг керак» деган сўзларни эшитиб, кишининг энсаси қотади. Ҳурмат ҳам, ташаккур ҳам талаб олинмайди-ку.

Миннатдорчилик — эзгу ҳис, олижаноб туйғу. Киши кишига дўст, ўрток, биродар бўлган социалистик жамиятда бу гўзал туйғу турмуш тарзимиз мазмунини бойитишга хизмат қилади. Шундай экан, бу эзгу ҳислатни ҳар бир киши ўзида тарбиялаб бормоғи керак.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЯНГИ ЙИЛ ДАСТУРХОНИГА

— Лимон қайси хўжаликдан экан?

— Ленин йўли районининг Охунбобоев номли совхозидан.

— Ў-ҳўў! Ажойибликнинг қаранг! Азаматлар роса меҳнат қилишибди-да...

Шу кунларда Сурхондарё область колхоз бозорларида, мева-сабзавот дўконларида бўлсангиз, шундай савол-жаволар қулоғингизга чалинади. Совхоз меҳнат аҳли бундан бир неча йил муқаддам бўм-бўш ётган заранг ерларни ўзлаштириб цитрус мевачилик хўжалиги ташкил қилганди.

— Дастлабки йилги ҳосилимиз 12 тонна бўлди, — дейди хўжаликда ўз оилавий бригадаси билан ишлаётган моҳир лимончи Панжи Суюнов, — уларнинг ҳаммасини шаҳарликлар Янги йил дастурхонига тортиқ қилдик.

Суратда: бригада аъзоси Гулчехра Суюнова лимонзор.да.

И. Хўжаев фотоси (ЎзТАГ).

КИЧКИНТОЙЛАР ҚУВОНЧИ

Янги йил арафасида автоном республика қурувчилари кичкинтойларга яхши совға инъом этишди. Бу Нукус шаҳридаги янги болалар боғчаси бўлиб, унга «Олтин балиқча» деб ном берилди. Боғчада уч юздан ортиқ болаларнинг камол топиб тарбияланиши учун барча шароит мавжуд. Кичкинтойлар ўйнайдиган, дам оладиган хоналар озода ва ёруғ. Спорт ва музика машғулотлари ўтказиш учун ҳам алоҳида хоналар бор. Аҳамиятли томони шундаки, мазкур масканда келажагимиз эгаларининг меҳнат тарбиясига катта эътибор бериляпти. Каштачилик, ҳунармандчиликнинг илк сабоқлари — оддий меҳнат кўникмаларини болалар шу ерда эгаллашяпти.

Суратда: янги болалар боғчасида.

М. Елеусинов фотоси (ЎзТАГ).

ФОТОЛАВҲАЛАР

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ЧЕКУВЧИЛАРГА ПЎПИСА

Исландияда барча давлат ташкилотлари ва жамоат жойларида чекиш тақиқланган қонун қабул қилинган.

Шунингдек, тамаки маҳсулотларини витриналар ва пештахталарга қўйиш, уларни реклама қилиш ҳам ман этилган. Ҳар қандай тамаки маҳсулотига чекишнинг зарари ҳақидаги ёзувдан ташқари тамаки тутунидан қорайиб кетган ўпка, буралиб чиқаётган дуднинг ўткир тиғи остида жон бераётган бемор каби кишини даҳшатга солувчи суратлар ҳам туширилган.

РЕКОРДЧИ ЎҒРИ

Чикаголик Жозеф Панчко бегона уй қулфини бузиб кираётганда қўлга туширилди. 66 ёшли бу жиноятчи ўзининг «ҳатти-ҳаракатлари» билан полиция доиралари ичида анча «маъмуму машҳур» эди. Чунки у ўғирликлар бўйича ўзига хос рекорд ўрнатган. Жозеф қуроллар билан талончилик, банкларни ўмариш ва шунга ўхшаш 150 га яқин ҳавфли жиноятларда айбланган. Шуларга қарамай Чикаго полицияси Панчкони... озод қилди. Бу сафар у 25 минг доллар жарима тўлаб қамоқдан қутулиб қолди.

ОБ-ҲАВО

Синоптикларнинг хабар қилишича, Ўзбекистонда ҳаво булутли бўлиши, бироз ёмғир ёғиши, туман тушиши кутилади. Республиканинг жанубида ёмғир ёғади. Шимоли-шарқдан секундига 2—7 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 2 даража совуқ билан 3 даража иссиқ ўртасида, шимолда 8 даражагача совуқ бўлади. Кундузи 1—6, жанубда 11 даражагача иссиқ бўлади, шимолда ҳаво 3 даражагача совийди.

Тошкентда ҳаво булутли бўлади, бироз ёмғир ёғади, туман тушади. Шарқдан секундига 2—5 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 0 даражадан 2 даража иссиқ ўртасида, кундузи 4—6 даража иссиқ бўлади. (ЎзТАГ).

Редактор Л. ҚАЮМОВ.

25 ДЕКАБРЬ, ЧОРШАНБА

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

МОСКВА-I. 9.00 — «Время». 9.40 — Мультфильм. 10.00 — «Саёҳатчилар клуби». 11.00 — «Болаларга ҳайвонлар ҳақида». 11.30 — Ҳужжатли фильм. 11.50 — Фильм-концерт. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.20— «Стадион ҳамма учун». 16.55 — Ҳужжатли фильм. 17.25 — Концерт. 18.00 —«...16 ёшгача ва ундан катталар». 18.45 «Ҳозирги давр ва ишчилар ҳаракати». 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — «Фан ва турмуш». 20.00— Мультфильм. 20.15 — Ҳужжатли фильм. 20.25 — Телефильм. 21.30 — «Время». 22.05 — Телефильм. 23.05 — «Дунё воқеалари». 23.20 — «Студияда — Мурод Кажлаев».

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Телефильм. 9.35 — Ўқув кўрсатуви. 10.05 — «Немис тили». 11.05 — Астрономия. 11.35 — Ўқув кўрсатуви. 12.00 — «Оила ва мактаб». 12.30 — Илмий-оммабоп фильм. 13.10 — Телеочерк. 14.05 — Ҳужжатли фильм. 14.55 — «В. В. Маяковский театри». Телеспектакль, 2-қисм. 16.10 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Мультфильм. 19.00 — Телефильм. 19.30 — «Музикали киоск». 20.00 — «Ҳамдўстлик». 20.30 —«Хайрли тун, кичкинтойлар». 20.45 — И. Дунаевский тароналари. 21.30 — «Время». 22.05 — «Қизил палатка». Бадиий фильм, 2-серия. 23.25 — Қўл тўпи. СССР чемпионати.

ТОШКЕНТ-I. 7.30 — Ритмик гимнастика. 7.50 — Мультфильм 8.00 — «Тонгги тароналар». 8.10 — «Ижод ва изланиш». 8.20 — «Мактаб ислоҳоти — ҳаётгаі». 8.30 — «Ахборот». 9.00 — «Юлдузча». 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Қўғирчоқ фильм. 18.20 — «Зарница-85». 18.50 — «Иқтисодий шарҳ». 19.20 — Телефильм. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Инсон болаликдан бошланади». 20.15 «Ёзувчи ва замон». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05— «Ниқоб йиртилди». Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-II. 9.00—16.15 — Москва-II. 18.15 — Болалар учун фильм. 18.20 — «Олий мақсад сари». Бадиий фильм, 1-серия. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — Ўзбекистон ССР тарихи. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Адабиёт. 21.30 —Москва-II.

РАДИО

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — «Визга мактуб йўллабсиз». 9.30 — «Совет Ўзбекистони: одамлар, ишлар ва режалар». 10.15 — Най наволари. 10.40 — «Қармоқ». 11.15—«Юность». 12.10 «Ўзбекистан индустриальний». 13.00 — «Чорвадор». 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.40 — Болалар учун эшиттириш. 16.15 — «Мулкдорлар дунёсида хўрланганлар». 17.00 — Ўқувчилар учун эшиттириш. 18.15 — «Иқтисодий билимлар радиоуниверситети». 18.30 — Ёшлик куйлайди. 19.25 — Чолғу куйлари. 19.40 — «Миллионлар ленинча университети». 21.00 — «Шеърият». 21.20 — «Қишлоқ оқшомлари». 22.30 — Концерт. 23.30 —«Дам олиш соатида».

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53 16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.